

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК

Зокиров Ботир Хабибуллоевич

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асаридаги асосий
қаҳрамонларнинг тасвирий ечими

5A150802- Кино ва телесериални тасвирий ечими

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
проф. Ш.Абдумаликов

Илмий маслаҳатчи:
с.ф.д., Д.Қодирова

Мазкур тадқиқот иши театр безаги рангтасвири кафедрасида бажарилган.
Театр безаги рангтасвири кафедраси 2016 йил _____ даги № _____ -сонли
мажлисда ҳамда тасвирий санъат факультетининг 2016 йил _____ даги
№ _____ сонли факултет кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия
етилган.

Тақризчилар:

Ички тақризчи:

Ташқи тақризчи:

Магистратура бўлими бошлиғи:

Б.Ю.Сангиров

Театр безаги рангтасвири кафедраси мудири:

А.Ш.Ортиқов

Илмий раҳбари :

проф. Ш.Абдумаликов

Илмий маслаҳатчи :

с.ф.д. Д.Қодирова

Ҳимоя 2016 йил _____ июнь соат_____ да Камолиддин Бехзод
номидаги Миллий рассомлик ва дизайн иниститути залида ўтказилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Тасвирий санъат факультети

Магистратура талабаси: Зокиров Ботир
Хабибуллоевич

Театр безаги рангтасвири

Илмий раҳбар: проф.Ш.Абдумаликов,

кафедраси

Илмий маслаҳатчи: с.ф.д. Д.Қодирова

2015-2016 ўқув йили

Мутахассислиги: 5А150802 – Кино ва
телефильмнинг тасвирий ечими

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарига бағишилаб киноасар учун эскизлар яратиш, асар қаҳрамонлари образини тасвирий жиҳатдан ифодалаш долзарб аҳамиятга эга мавзулардан саналади.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Мавзунинг мақсади Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарини таҳлил қилиш ўрганиш орқали тасвирий жиҳатдан эскизларда асар қаҳрамонларини жонлантириш ҳисобланади. Мавзунинг вазифасини қўйилган мақсадни амалга ошириш учун илмий-ижодий изланишлар олиб бориш ташкил этади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти қилиб Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари олинди. “Тадқиқот предмети сифатида кино ва тасвирий ечимнинг бевосита боғлиқлигини ҳамда кино санъатидаги тасвирий ечимнинг роли ўрганилди.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Илмий тадқиқот мавзусидан келиб чиқкан ҳолда таҳлил қилиш, кузатиш, таққослаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Мазкур магистрлик диссертациясигача бу мавзуда тадқиқотлар олиб борилмаган ҳамда эскизлар яратилмагани илмий тадқиқот ишининг янгилик даражасини кўрсатиб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида тарихий фильм яратиш жараёнида яратилган эскизлардан фильм суратга олиш жараёнида кино эскизлар сифатида фойдаланиш имконияти тадқиқот натижаларининг малаий аҳамияти ҳисобланади.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида кино талқини учун эскизлар яратилди. Бунда даврга монанд кийим-кечак, анжомлар, саҳналар бўйича эскиз намуналари яратилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Мазкур асар бўйича кино талқини учун ишланган эскизлар тарихийлик нуктайи назаридан ҳамда асарда тасвирлангани каби ишланди. Келажакда яратилган эскизлар асарнинг кино талқини ҳамда бошқа мавзуга оид тарихий фильмлар эскизлари учун намуна бўлиб хизмат қиласа ажаб эмас.

THE ANNOTATION OF THE DISSERTATION

The actuality of the theme. The importance of the dissertation is that to dedicate Chingiz Aytmatov's book “Chingiz Khan's white cloud”, create sketches for booked and to image heroes of the poem is considered important topic.

The goals and objectives of the subject. The aim of the subject is to analyze Chingiz Aitmatov's "Chenghis Khan's white cloud" and to revive characters on the sketches. Function for the implementation of the objectives of the subject of scientific and artistic research. Function for the implementation of the objectives of the subject of scientific and artistic research.

The object and subject of research. Research object was given Chingiz Aytmatov's "Chenghis Khan's white cloud". "The research directly related to the subject of film and visual solution as well as the fine art of cinema studies the role of the solution.

Research methodology and methods. Based on scientific research which is the subject of analysis, observation, comparison methods were used.

The level of scientific novelty of the research. This master degree's dissertation didn't study before and sketches exist at this point shows the level of scientific research and innovation.

The implementation and the practical significance of the research. Chingiz Aytmatov's "Chenghis Khan's white cloud" was created in the process of creating a historical film based on the thumbnails and use this sketches as the film sketches shows results of research and practical importance.

Business structure and composition Master degree's thesis introduces three chapters, conclusion, literatures and appendix.

The main results of the work. Based on Chingiz Aytmatov's "Chenghis Khan's white cloud" was made drafts for the film. At the same time clothing, tools, samples sketches were appropriated to the film scenes.

A brief summarized statement of conclusions and recommendations. This work's drafts has been made for the film as the historical point of view and described as it had written. Perhaps future version of the sketches will help to take a historical film as well in other theme and will model for new generation.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

МУНДАРИЖА

Кириш	8
I боб. Чингизхон образига бадиий адабиётда мурожаат	14
1. Жаҳон адабиёти намуналарида Чингизхон образи.	19
2. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннингоқ булути” асарида Чингизхон образи	31
I боб бўйича хulosा	42
II боб. Ўзбек киноматографиясида тарихий фильмларнинг яратилиши	
1. Жаҳон кинематографиясида тарихий фильмларнин яратилиши	43
2. Кинода бадиий яхлитлик (режиссёр ва рассом тандеми)	56
II боб бўйича хulosा	66
III боб. “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида кино талқини учун яратилган эскизлар талқини	
1. Асосий қаҳрамонларнинг тасвирий гавдаланиши.	67
2. Эскизларнинг композицион ечими.	72
III боб бўйича хulosा	78
Хulosा	79
Адабиётлар рўйхати.	82
Илова	87

КИРИШ

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири бекиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий киноматографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир.¹

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бошқа санъат турларида кузатилгани каби кино санъатида ҳам катта ўзгаришлар қўзга ташланди. Давлатимиз томонидан кино санъатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бу соҳа ривожини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартағи Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясининг тузилиши миллий кино санъати ривожида муҳим босқич бўлди.²

Мустақиллик йилларида кино санъати ижодкорлари томонидан миллий руҳдаги, тарихий мавзуларни ўзида акс эттирган қатор фильмлар яратилди. Мустақиллик киносанъаткорларга яқин ва узок ўтмишдаги юртимиз тарихини ўзида мужассамлаштирган, миллий қаҳрамонлар ҳамда тарихий шахсларга бағишлиланган фильмлар ишлаш имкониятини берди. Шу сабабдан ҳам бу даврда замонавий руҳдаги фильмлар билан бир қаторда тарихий мавзудаги асарлар кўплаб яратилди. Бу эса ўз нгавбатида тарихий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – Б.145-146

² Ўзбекистон санъати (1991–2001) / Ўзбекистон Бадиий академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 195-196.

мавзудаги асарнинг ҳаққоний даражада ишланиши ҳамда давр муҳитига томошабинни ишонтира олиш нуқтайи назаридан кино рассомининг олдига катта вазифаларни қўйди. Чунки тарихий жанрдаги фильмларда ҳар бир деталлни яратиш кино рассомидан катта билим, малака, савия ҳамда изланишни талаб этади.

Тарихий шахслар ҳақида асар яратиш ижлдкорлар зиммасига катта маъсулият юклаб, тарихни чукур билиш, ўтмиш манбаларни таҳлил этиб, ҳаққоний гавдалантиришнигина эмас, уларга ўз замонасининг фарзанди, санъаткори сифатида фаол муносабат билдиришни тақозо этади.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтиш мумкинки, магистрлик диссертациясининг мавзуси “Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асаридаги асосий қаҳрамонларнинг тасвирий эчими” га бағишиланган бўлиб, айни кунда кам ўрганилган мавзулар сирасига киради. Шу нуқтайи назардан олиб қараганда Чингиз Айтматовнинг мазкур асарига бағишилаб киноасар учун эскизлар яратиш, асар қаҳрамонлари образини тасвирий жиҳатдан ифодалаш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур асарга кино рассомлар томонидан ҳали умуман эскизлар яратилмагани тадқиқотнинг аҳамиятини янада оширади. Чингиз Айтматов “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқинини яратиш, уларни кенг оммага тақдим этиш, асарлардаги гоявий асос – эзгуликка, яхшиликка интилишни кўрсата олиш муҳим вазифадир. Бугунги кунгача мазкур асар асосида тўлиқ метражли кинофильм яратилмаган. Шунинг учун кўриб чиқилаётган муаммо кенгроқ тадқиқ этилишини талаб қилиши билан долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти қилиб Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари олинди. “Тадқиқот предмети сифатида кино ва тасвирий ечимнинг бевосита боғлиқлигини ҳамда кино санъатидаги тасвирий ечимнинг роли ўрганилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарини таҳлил қилиш ўрганиш орқали тасвирий жиҳатдан эскизларда асар қаҳрамонларини жонлантириш ҳисобланади.

Шу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот ишининг вазифаси сифатида қуидагилар олинган:

- Чингизхон образига бадиий мурожаатни таҳлил қилиб ўрганиш;
- жаҳон адабиёти намуналарида Чингизхон образига мурожаат қилган асарларни ўрганиш;
- Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарини ўрганиш ва асардаги Чингизхон образини тасвирий жиҳатдан ифодалаш;
- жаҳон киноматография санъатида тарихий фильмларнинг яратилиши ва тарихий жанрдаги фильмларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- кинода бадиий яхлитлик тушунчасини ифодалаш ҳамда режиссёр ва рассом тандемининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;
- “Чингизхоннинг оқ булути” асари бўйича кино талқини учун эскизлар яратиш, асосий қаҳрамонлар образларини жонлантириш;
- композицион янгилик, бугунги кун кино санъатида тарихий жанрда тасвирий ва ижодий ечимга эга эскизлар яратиш (Ч.Айтматов. “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида).

Илмий янгилиги. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари кино талқини учун ҳали ўзбек кино рассомлари томонидан эскизлар яратилмаган. Бундан ташқари, тадқиқотда Чингизхон ҳақидаги жаҳон адабиёти ва ўзбек адабиёти намуналари таҳлилий асосда ҳамда қиёсий тарзда ўрганилди. Илмий тадқиқот ишида бадиий адабиётда тасвирланган образлар кино рассоми нигоҳи орқали жонлантирилгани билан илмий янгиликка эгадир. Мазкур магистрлик диссертациясигача бу мавзуда тадқиқотлар олиб

борилмаган ҳамда эскизлар яратилмагани илмий тадқиқот ишининг янгилигини ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертациясининг бош масаласи сифатида Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқини бўйича эскизлар яратиш ҳамда асосий қаҳрамонлар образларини гавдалантиришидир. Тадқиқотнинг етакчи масаласи Чингизхон образини яратишда жаҳон ҳамда ўзбек адабиёти ва киносидаги мурожаатни ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий фаразлари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон адабиётида Чингизхон образига мурожаат асосан тарихий мавзуларга доир бадиий адабиётларда учрайди;
- Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари афсона таъсирида яратилган бадиий асар;
- Чингизхон образи тарихий асарларда турли кўринишларда тасвиранганди;
- В. Ян томонидан яратилган Чингизхон образи тарихий фактларга таянилган ҳолда яратилган;
- Чингиз Айтматов Чингизхоннинг ички олами, кечинмалари, тарихий шахснинг шаклланиши рол ўйнаган омиллар очиб берилган;

Тарихий асарнинг кино талқинини яратишда рассом саҳналарни жонлантирувчи биринчи ижодкор.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Магистрлик диссертацияси бадиий адабиёт намунасидаги образларнинг кино талқинига асосланган. Шу сабабдан Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари илмий тадқиқотда муҳим аҳамиятга эга бўлган бадиий асардир. Диссертациянинг илмий янглиги мазкур асар бўйича қаҳрамонларнинг кино талқини учун эскизлар яратиш ҳисобланади. Тадқиқот доирасида Чингизхон образини яққол кўрастиб бериш мақсадида В. Яннинг “Чингизхон” романига ҳам мурожаат қилинди. Бундан ташқари тарихий манбаларда Чингизхон

хақида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳам қиёсий тарзда ўрганилди. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”³ ҳамда Абулғозийнинг “Шажарайи турк”⁴ асарлари шулар жумласидандир.

Кино санъати тарихий мавзудаги фильмлар ҳамда режиссёр ва рассом бирлигини ифодалаш учун кино санъатига доир қатор адабиётлар қўриб чиқилди. Жумладан, М. Алиевнинг “Кино асослари”⁵ Х. Абулқосимованинг “Кинотелерадио тарихи ва назарияси”⁶ номли адабиётлар ҳамда “Яна бир бор ўзбек киноси хусусида”⁷ “Кино ва тасвирий санъат”⁸ каби илмий мақолаларини санаб ўтиш мумкин.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Илмий тадқиқот мавзусидан келиб чиқкан ҳолда таҳлил қилиш, кузатиш, таққослаш методларидан фойдаланилди. Таҳлил қилиш методи диссертациясида кенг фойдаланилган услублардан бири ҳисобланади. Чи нгиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарини таҳлил қилиш орқали асардаги образлар яратилади. Жаҳон адабиёти намуналари ҳамда ўзбек адабиётида Чингизхон образини ўзида ифодалаган бадиий асарлар таҳлил қилиш ва таққослаш методидан келиб чиқкан ҳолда ўрганилади.

Илмий тадқиқот иши таҳлил қилиш ва тавсифлаш методларидан фойдаланилган ҳолда баён этилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан амалий жиҳатдан кенг миқёсда фойдаланиш мумкин. Жумладан, Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида тарихий фильм яратиш жараёнида яратилган эскизлардан фильмни суратга олиш жараёнида кино эскизлар сифатида фойдаланилди.

³ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994.

⁴ Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1994.

⁵ Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

⁶ Абулқосимова Х. Кинотелерадио тарихи ва назарияси. – Т.: 2008.

⁷ Абулқосимова Х. Яна бир бор ўзбек киноси хусусида //Гулистон. 1999, 5-сон.

⁸ Абулқосимова Х. Кино ва тасвирий санъат // Санъат. 1999, 1-сон.

Бундан ташқари назарий жиҳатдан тадқиқот ишида Чингизхон образи ифодаланган бадиий асарлар ўрганилиши, жаҳон ва ўзбек киноматография санъатида яратилган фильмларнинг таҳлили жиҳатидан тарихий мавзуда ҳамда кино ва телефильмнинг тасвирий ечими йўналишида илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар учун солиштирма тарзда ўрганишда ҳамда ўз таҳлилий мулоҳазаларини таққослашда ёрдамчи илмий иш вазифасини ўтайди.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация иши кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида Ўзбекистон санъат борасида шу кунгача эришган ютуқлари ҳамда уни ривожлантиришга қаратилган қатор фикрлар келтирилган. Тадқиқот ишининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот обьекти, мақсад ва вазифалари белгиланади.

Диссертациянинг биринчи боби жаҳон бадиий адабиётида Чингизхон образига мурожаат қилиб яратилган асарларга бағишлиданади. Ушбу бобнинг биринчи бўлимида жаҳон адабиётида Чингизхонга бағишилаб яратилган асарлар таҳлили ҳамда иккинчи бўлимида эса Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг бадиий таҳлилига бағишлиданади. Диссертациянинг иккинчи боби ўзбек кинематографиясида тарихий жанрдаги фильмларнинг яратилиши деб номланиб, ушбу боб ҳам икки бўлимдан иборат. Унда ўзбек кинематографиясида вужудга келган тарихий фильмлар ҳамда тарихий жанрда фильм яратган ижодкорлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими рассом ва режиссёр тандеми масалаларига бағишлиданади.

Диссертациянинг учинчи боби Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида кино талқини учун яратилган эскизларнинг бадиий таҳлили деб номланиб, ушбу боб ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб, унда эскизларнинг бадиий таҳлили, асосий қаҳрамонларнинг тасвирий

гавдаланиши, асарнинг яратилиши, композицион ечими ҳамда бажарилиш босқичлари тўғрисида фикр юритилади.

I.боб. Чингизхон образига бадиий адабиётдаги мурожаат

Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугтан миллатнинг келажаги йўқ”⁹. Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, тарихий ҳақиқатни холис тарзда томошабинга етказиб бериш кино рассомидан жуда катта маҳоратни талаб этади. Кино рассоми қаҳрамонларни томошабин кўз олдида жонлантиришда муҳим ўрин тутади. Айниқса, тарихий мавзудаги кино фильмлар рассомдан жуда катта маҳорат, билим ва малакани талаб этади. Биргина деталлни тасвирлаш учун рассом тарихий асарлар ва манбалар устида изланишлар олиб боради. Камера ортидаги рассом изланишлари самараси сифатида тарихий шахс қиёфаси яратилади. Тарихни фильмлардан жонлантириш ва уни томошабинга етказиб бериш кино ижодкорлари, жумладан, рассом зиммасига катта маъсулият юклайди.

Тарихимиз саҳифаларидағи энг шиддатли жангларга гувоҳ бўлган, қонли босқинларни кўрган, халқимизнинг юрт озодлиги, эркинлик учун жон фидо қилган қатор мард ўғлонлари, тарихий шахсларнинг жасоратига шоҳид бўлган саҳифаси бу юртимизга мўғуллар босқини даврига тўғри келади. Ўрта Осиё халқлари мўғул босқинчларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Хусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мудофаачилари Ихтиёриддин Қушлу, Ҳамид Пура Қораҳитой, Суюнчиҳон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро, шаҳзода Жалолиддин кабилар Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тўкиб курашдилар.

Айниқса, Жалолиддин Мангуберди билан Синд дарёси бўйидаги жангда унинг жасоратини кўрган Чингизхон шундай бир мард ўғлонга

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 4.

ўзининг тўрт ўғлини алмашган бўлишини айтиб, Жалолиддин мардлигига тан бергани ҳам тарихий манбаларда қайд этилган.

Аммо улар она-юрт озодлигини саклаб қолиша олмади. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннахр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди. Зарафшон, Марв, Хоразм воҳаларида суғориш тармоқлари бузиб ташланиши натижасида ям-яшил далалар, боғроғлар харобазорга айланди. Бу даврда илм-фан ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади. Босқинчилар тўс-тўполони вақтида Бухорода, Самарқандда, Урганчда бир нечта кутубхоналар ёниб кетди. Мисол учун Бухорода “Масъудия” мадрасаси ва катта кутубхона ёниб кетди.

Чингизхон образига мурожаат қилган ҳолда жаҳон адабиётида қатор асарлар яратилган. Шу ўринда қисқача тарихийлик нуқтайи назаридан Чингизхон ҳаётига тўхталиб ўтиш жоиз.

Чингизхоннинг асл исми Темужин ёки Темучин бўлиб тахминан 1155 йилда Ўнон дарёси яқинидаги Делпун Бўлдан мавзеида туғилган. Мўғуллар давлати асосчиси, саркарда. Мўғул қабилалари иттифоқи – тайжиутлар сардори Ясугай баҳодирнинг Ўелун Фужин (хотун)дан туғилган тўнғич фарзанди. 13 ёшида отасидан етим қолган Чингизхон 27 йил давомида бир қанча уруғ ва қабилаларни тайжиутлар атрофида бирлаштириш мақсадида ҳарбий-ҳаракатлар олиб борган. 1195- 1204 йилларда Чингизхон керайтлар бошлиғи Ванхон Тўғрил (Ўнхон) билан иттифоқса меркит, найман, куралас, икирас, дурбан, татар ва бошқа қабилаларни бўйсундиради. Бироқ, кейинчалик улар орасига адоват тушган. 1204 йил Ўнхон билан бўлган жангда ғалаба қозонган Чингизхон хонлик тахтини эгаллайди. 1206 йил мўғул аслзодалари, нўёнлари иштирокида буюк қурултойда Улуғхон маъносида – “Чингиз” (тengiz – денгиз, океан) унвони билан сарафroz этилади ва барча қабила, уруғ, элатларнинг буюк хони деб эълон қилинади. Давлатнинг ички ва ташки сиёсатини тартибга солишда Чингизхон томонидан эълон қилинган қонунлар тўплами – ясо (ясок) муҳим рол

ўйнайди. Минг кишилик шахсий гвардия ҳамда юз минг жангчидан иборат отлиқ армияни шакллантирган Чингизхон Сибирдаги бир нечта қабила ва элатларни (1207), Шимолий Хитойни (1211-1215), Ўрта Осиёни (1219-1221), Хурносон, Эронни (1221-1224) ўз тасарруфига киритади. Мўғуллар томонидан забт этилган ҳудудлар вайрон қилинган, аҳолиси қириб ташланган, қулликка маҳкум этилган. 1224 йил Чингизхон мўғуллар давлатини 4 ўғли – Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тулиларга тақсимлаб берган. Шимолий Хитойдаги тангут қабилаларининг Сися давлати (Х–ХІІІ асрлар)га қарши юриш қилган вақтида Чингизхон оғир дард туфайли 1227 йилнинг 25 августида вафот этади. Уни Мўғулистондаги Бурҳо – Халдун төғ этагида дафн этишади.

Чингизхон шахсиятини шаклланишида бевосита у яшаган муҳит ва даврнинг ўзига хос ўрни бор. ХІІ аср охирлариға келганда Мўғулистонда яшовчи турли қабила ва уруғлар ўртасида сиёсий курашлар авж олган эди. Уларда айникса уруғ-аймоқчилик муносабатлари кучли бўлиб, асосан кўчманчи чорвачилиқ, овчилик ва мол айирбошлиш билан кун кечиради. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам анча паст эди. ХІІ аср охири-ХІІІ аср бошларига келганда бир-бирига рақиб бўлган мўғуллар, татарлар, найманлар, керойитлар, меркитлар ва бошқа қабилалар ўртасидаги синфий ва сиёсий курашлар натижасида кўчманчи феодал оқсуяклар манфаатини ҳимоя қиласидаги давлатнинг вужудга келиш жараёни кучаймоқда эди. Улуғбек Мирзонинг “Тўрт улус тарихи” китобида кўрсатилишича, мўғул шўъбаси 9 нафар бўлиб, дастлабкиси Мўғулхон, охиргиси Элихондир. Татарлар эса 8 шўъбага бўлинниб, аввали Татархон бўлиб, татар маликларининг биринчисидир. Уларнинг ҳар иккисининг аждоди Нуҳ пайғамбарга боғланади. 1155 йилда бир нечта қабилалар бошлиғи бўлмиш Ясуғой баҳодир ва Улун хотун оиласида Темучин тугилди.¹⁰

¹⁰ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994.

Улугбекнинг ёзишича Ясугой баҳодир ўз атрофидаги улуғ айёнлар билан кенгашиб, ўғлининг исмини Темучин деб қўйди. Бунга сабаб ўша вақтларда татар қабилаларининг қудратли подшоҳининг исми ҳам Темучин эди. Гўдак улғайганда Темучиндеқ қудратли шоҳ бўлсин, деб ният қилинди.

Абулғозий ўзининг “Шажараи турк” китобида ёзишича “Темучин Мўғул юртининг Йилун-Йилдиқ деган жойида туғилди. Туғилганда бир кўзи юмиқ эди. Энага хотин очди ва унда бир пора уюшган қон кўрди. Ташқарига чиқиб ёши улуғларга айтганда улардан бири бу ўғлон улуғ подшоҳ бўлур, ер юзини барчасини олур, кўп элларни қатл ва вилоятларни вайрон қилур деб башорат қилди.¹¹

Темучин отадан 13 ёшида етим қолган пайтда отасига тобе бўлган кўпгина қабилалар уларни ташлаб кетди ва шу боис у кейинчалик кўпинча мураккаб ҳамда хавфли шароитларни бошидан кечирди. Ўзаро қабилавий жангларда фаол қатнашган Темучин кейинчалик ўз атрофига 13 минг кишилик лашкар ҳам тўплай олди. Сўнгра уларнинг сони ортиб борди. Тез орада Темучин найман, тотор, унғут, уйғур, керойит қабилаларини ўзига буйсундиришга эришади ва 1205 йилларга келиб у Мўғулистон ҳудудидаги энг қудратли ҳукмдорга айланди.

Рус муаллифи М. Иванин Темучинни таърифлаб, ўзининг “Чингизхон ва Амир Темур” китобида шундай жумлаларни келтиради: “Чингизхон хонлик даврининг бошларида 13 минг атрофдаги ўтов ёки оиласа эга бўлган бўлса, умрининг охирларида турли тилларда сўзловчи ва турли динларга мансуб бўлган 720 та халқ унга тобе эди. Унинг ўғиллари ва набиралари ҳозирги Хитой, Ҳиндистоннинг бир қисми, Қурия, бутун Марказий Осиё, ҳозирги Россиянинг ҳамда Жанубий Осиёнинг Ҳиндан Фуротгача бўлган деярли барча қисмига ҳукмронлик қилишган, бу ҳудудлар эса атиги 60-70 йил давомида босиб олинган”.

¹¹ Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1994.

1206 йилда Онон дарёси буйида махсус чақирилган қурултойда Темучин бутун Мўғулистаннинг Ҳоқони деб эълон қилинди. Шу жойда унга Чингизхон (кучли бакувват дегани) лақаби берилди. Чингизхон шу тариқа Манчжуриядан то Иртишгача Байкалдан Тангғутгача худудларда кўчиб юрувчи кўп сонли қабилаларнинг ягона хукмдорига айланди. Давлатнинг диний, сиёсий ижтимоий фаолиятининг барча қирралари 1206 йилдаги ўша йирик йиғинда “Ясо” қонунлари тўпламида янада асосланиб, мустаҳкамланди. Қорақурум қалъаси пойтахт қилиб танланди. 1207-1208 йилларда Энасой (Енисей) ҳавзаси, Еттисув вилоятининг шимолий қисми босиб олиниб, у ердаги уйғурлар ҳам тўлиқ буйсундирилди. 1209 йилда Чингизхон Хитойнинг шимоли-шарқийдаги Тонгғут мамлакатига ҳужум қилиб, катта ўлжа ва кўплаб одамларни қул қилиб, Мўғулистанга олиб кетди. 1211-1215 йиллар давомида эса аввал Хитойга ҳужум қилиб, қудратли Сzin армиясига қаттиқ зарбалар берди, сўнгра эса Пекин шаҳрини ишғол қилди. Сzin сулоласи ағдарилиб, Шимолий Хитой Мўғуллар давлатига кўшиб олинди. Мўғулистанда қудратли давлатни ташкил қилган Чингизхон ўз эътиборини энди Марказий Осиё томонга қаратади бошлади ва ниҳоят 1218-1219 йилларда Еттисувни, 1219-1221 йилларда Марказий Осиёни батамом ўз империясининг қарамогига қўшиб олди.

XIII асрнинг бошларига келиб (1206-1215) Мўғулистанда Чингизхон ҳукмронлигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё худудларида хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва бошбошдоқлик оқибатида бу қудратли салтанат инқирозга юз тута бошлаган давр эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215-1218) элчилик муносабатлари давом этган бўлишига қарамай бу муносабатлар охир-оқибат фожиали тугади. Ҳарбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул қўшинлари хоразмшоҳлар давлатидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тушкунлик вазиятидан фойдаланиб, қисқа муддатда (1218-1221) Ўрта Осиё ерларини босиб оладилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожланиб келган Ўрта Осиёдаги қўпгина шаҳарлар – Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзган, Урганч, Кеш қабилар вайронага айлантирилди. Дехқончилик воҳалари харобазорга айланди. Мўғул босқинчлари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч бир шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1214) Ўрта Осиёдаги мўғул босқини ҳақида шундай ёзади: “...Хитой чегараларидан бир халқ чикиб, Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннахрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-торож қилиб эгаллади. Татарлар (мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган нарсаларга ўт қўйдилар”.

Фақат XIII асрнинг 70-80-йилларига келиб Ўрта Осиёда аста-секинлик билан бўлсада, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик жонлана бошланди. Мўғул босқини даврида инқирозга юз тутган фан-адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айrim тармоқлари ҳам тиклана бошлайди. XIII асрда Бухорода “Масъудия” ва “Хония” мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий қабилар адабиёт соҳасида ижод этдилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирхожиддин Жузжонийнинг “Табақоти Носирий”, Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушай” (“Жаҳон фотиҳлари тарихи”), Фазлуплоҳ Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” (“Тарихлар тўплами”) каби тарихий асарлари яратилади.

1.1. Жаҳон адабиёти намуналарида Чингизхон образи

Жаҳон адабиёти намуналари орасида Чингизхонга бағишлиланган асарлар талайгина. Тарихий мавзуда асарлар яратувчи ижодкорлар ичida В. Ян бу мавзуда қатор романлар муаллифи эканлиги билан ажралиб туради. В. Ян тарихчи ёзувчи бўлиб, мўғулларнинг шарқ ва жануби-шарқ ўлкаларидаги

халқлар устидан қилған босқинчилеклариға бағишилаб ёзган уч романи билан, айниқса, шұхрат қозонған. “Чингизхон” романи шу трилогиянинг биринчи романидир.

“Чингизхон” романининг муаллифи Василий Григорьевич Ян (хақиқий фамилияси Янчевецкий) 1874 йил 23 декабрда Киевда туғилған. Адіб күплаб тарихий романларнинг муаллифи ҳисобланади. 1897 йилда Петербург университетининг тарих-филология факультетини тугатған. Россия бўйлаб икки йиллик сайёҳатидан сўнг ўзининг 1901 йилда “Йўловчи эсдаликлари” номли биринчи китобини нашр этади. У Англияда яшаган йиллари мобайнида Британия кутубхонасида ишлайди ва сайёҳат қиласи. Ян катта акасининг тавсиясига биноан 1901 йилда Ашхободга Касбийбўйи вилоятининг девонхонасига мудир сифатида ишга келади. Шарқ тилларини ва маҳаллий аҳоли ҳаётини ўрганади. 1902 йилда чўл орқали илмий-статистик мақсаддаги ташриф билан Хивага боради ҳамда хива хони қабулида бўлади. Форс-афғон чегараси бўйлаб ўтказилған илмий-тадқиқот экспедициясига фаол қатнашади. Шу сабабдан ҳам унинг ижодида Марказий Осиё тарихига бағишиланган асарлар асосий ўринни эгаллайди.

Рус-япон уруши вақтида 1905-1906 йиллар мобайнида Узок Шарқдаги Санк-Петербург телеграф агентлигидаги ҳарбий мухбир бўлиб ишлайди. 1906-1907 йилларда Тошкентдаги Туркистон статистика ва кўчиш бошқармасида фаолият юритади. 1925-1927 йилларда Самарқанддаги ўзбек банкларидан бирида иқтисодчи бўлиб ишлайди. “Жаҳон изқувари” журналида Ўзбекистон маданияти ҳақида қатор мақолалари ва очерклари босилиб чиқади. Марказий Осиё билан боғлиқ шарқ аёллари ҳаётига бағишиланган “Хужум” номли пьеса яратади.

Ян ижоди жуда серқирра бўлиб, у бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларида бирдек ижод қилған. Унинг деярли барча асарлари тарихий мавзуда яратилғанлиги билан аҳамиятта моликдир.

В. Яннинг “Афғон зумради” (1912 йил тугалланмаган қисса), “Кўрғондаги олов” (1932-1952), “Спартак” (1933), “Босқончилар” (1934), “Мўғуллар истилоси” трилогияси: “Чингизхон” (1934), “Боту” (1942; болалар учун қисқартирилган варианта “Ботунинг истилоси” 1941), “Сўнгти денгизгача” (1955), “Мардлик қанотида” эртак-қиссаси (1940 йиллар), “Саркарданинг ёшлиги” (1952) каби насрый асарлари, “Енгилмас Жалолиддин” (1944) номли опера либреттоси, “Чингизхон” ва “Жалолиддин”(1944) номли фильмлар учун яратилган либреттолари ҳамда кўплаб тарихий мавзудаги ҳикоя, илмий мақола, очерк ва шеърлари мавжуд.

Яннинг “Чингизхон” романи юртимизга мўғулларнинг бостириб кириши ва шаҳарларни эгаллаб, уларнинг кулини кўкка совурган жанглари, Хоразмшоҳ аскарларининг енгилиш сабаблари ҳамда юрт озодлиги учун курашган жасур жангчилар ҳақида ҳикоя қиласи. Асар тарихий фактлар асосида ҳамда бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан ёзилганлиги билан катта аҳамият касб этади. Адиб ўзининг “Китобхонга мурожаатлар” номли қўлёзмасида “Чингизхон” романининг яратилиш жараёнига тўхталиб қуидаги фикрларни айтиб ўтган:

“Кўп кишилар мендан Чингизхон ва мўғулларнинг истилоси тўғрисида билган ва эшитганларимни ҳикоя қилиб ёзишимни илтимос қилдилар. Мен анчагача иккиланиб юрдим...Энди жим юришимдан ҳеч қандай манфаат йўқ деган фикрга келдим-да, ер юзида кечаси ҳам, кундузи ҳам рўй бермаган, бутун инсоният бошидан кечирган, айниқса, баҳтсизликда эзилган Хоразмнинг далаларида тинч меҳнат қилиб юрганларнинг бошига тушган зўр кулфатлар сингари, тарихда мисли кўрилмаган воқеаларни тасвирлашга журъат этдим”.¹²

¹² Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.4.

“Бироқ, қаламимни учлаб довотга ботирад эканман, ўйланиб қолдим...
Халқларни раҳмсиз суратда қирган Чингизхон ва унинг ваҳший қўшини
тўғрисида ҳаққоний ҳикоя қилиб бериш учун менда сўз ва куч етармикин?..

Бу ваҳшийларнинг шимол сахроларидан хужум қилиб келиши, бу
қўшининг бошида бўрил соқол ҳокимининг от солдириб юриши, баттол
қўшиннинг ҳоримас отларда минглаб кишиларни тилка-пора қилиб
Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг сокин водийларидан ўтиши, ҳар лаҳзада
янгидан-янги даҳшатлар тўғдириши шундай мудҳиш эдики, одамлар бир-
бирларидан: “Бу ёнаётган қишлоқларнинг тутуни билан қопланган осмон яна
ярқиармикан, ёки шу билан қиёмат қойим бўлиб кетармикин?” деб сўрашар
эди”.¹³

В. Яннинг “Чингизхон” романининг биринчи китоби “Буюк Хоразмда
осойишталик” иккинчиси эса “Мўғул қамчиси остида” деб номланади.
Асарда Хоразм давлати ва унинг ички низоларининг оқибатида мўғуллардан
кучлироқ бўлса-да, уларга енгилгани акс этади. Мухаммад Хоразмшоҳ ва
Чингизхон ўртасидаги зиддиятлар, кескин вазиятлар кетма-кетликда баён
этиласди. Ўзига бино қўйган султон ҳаддан ташқари онаси Туркон хотун
фикрлари билан давлатни идора қилиши натижасида кучли душман билан
курашиш учун бирлашиш ўрнига нотўғри қарорлар чиқариб, давлатни
парокандаликка юз туттиради.

Романинг “Буюк Хоразмда осойишталик” номли биринчи китобда
Хоразм давлатининг сиёсий аҳволи баён этиласди. XIII асрнинг бошларида
Хоразмшоҳлар салтанати тасарруфидаги ўлка ва вилоятлар худудларининг
кенглиги, шарқ давлатлари ўртасида салтанат соҳибқиронларининг нуфузи
жиҳатидан у буюк давлат ҳисобланарди. Хоразмшоҳ ҳам ўзининг
буюклигига ўзи маҳлиё бўлиб, айш-ишратга берилиб кетади. Чингизхон уни

¹³ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.3.

ўғлим деб мактуб ёзганида бу султоннинг ғазабини қўзғатади. Адиб шу ҳолатни асарда моҳирлик билан очиб беради:

“Хоразмшоҳ элчиларни, қораҳонийлар авлодининг энг сўнгги султони Усмондан қолган кўхна баланд тахт устида қабул қилди. Шоҳ ва унинг арбоблари кимхоб тўйлар кийишган. Шоҳ ўйланган ва бепарво қиёфада ўтиради...

Учала элчи таъзим қилиб, ерга ўтиридилар-да, келишларининг сабабларини сўзлай бошладилар. Баланд бўйли, тўладан келган киши, элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд Ялвач сўз бошлади:

– Барча мўғулларнинг хукмрони, улуғ Чингизхон сизлар билан дўстлик, тинчлик ва биродарлик алоқасини боғлаш учун бизни фавқулодда элчи қилиб юборди. Улуғ ҳоқон, Хоразмшоҳга юборган совға-саломни топшириш билан бирга, қуидагиларни айтишни буюорди... – Маҳмуд Ялвач элчилардан бирига оқ ип ўтказиб, мум билан сўрғичланган, ўроғлик пергамент қофозни узатди.

Иккинчи элчи – Алихўжа Бухорий ўқий бошлади:

– Мен сенинг нақадар мартабанг улуғ эканлигини, подшоҳлигининг нақалар кенг эканлигини, дунёда кўп мамлакатлар олдида баландлигини яхши биламан. Шунинг учун Хоразмшоҳ, сен билан дўстлик алоқасида бўлишни ўзимнинг бурчим деб биламан, чунки сен менга фарзандаларим ичида энг севимли фарзандимдек қадрлидирсан...”

– Фарзандим! Нима дединг, фарзандим дедингми? – дея қичқирди шоҳ, худди ҳозир уйқудан уйғонган кишидек ва белига осилган ханжарнинг садаф сопини ушлади-да, бир оз энгашиброқ элчига тикилди”.¹⁴

Ўша замонларда, Шарқда бир ҳукумат бошлиғи фақат ўзига тобе бўлган бошқа бошқа ҳукумат бошлиғин фарзандим деб атар эди. Тарихдан маълумки, ўзини “Искандари Соний” яъни “Иккинчи Искандар” деб

¹⁴ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.94.

улуғлашларини хуш кўрувчи Хоразмшоҳ учун бундан ортиқ ҳақорат йўқ эди. Давлат тузилиши жиҳатидан Хоразм мўғуллар давлатига қараганда марказлашган ва катта худудларни эгаллаган, узоқ тарихга ва бой маданиятга эга эди. Аммо қипчоқларнинг салтанат бошқарувидаги мавқейининг ўсиши давлатни сиёсий парокандаликка олиб келиб, ичдан емираётган бир пайтда мўғуллар босқини юз беради.

Хоразм давлати Мовароуннахрдан ташқари ҳозирги Афғонистон ерлари ва Эроннинг каттагина қисми ҳам унинг таассаруфида эди. Давлат қанғли-қипчоқ ва туркманлардан тузилган мунтазам қўшининг эга эди. Бу қўшиннинг умумий сони Чингизхон ҳарбий кучига нисбатан бир мунча ошиқроқ эди. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар вазирлар, қўшин бошлиқларидан иборат кучли аристократия, муставфий (дафтардор ҳисобчилар) қозилар ва бошқа кўпгина сарой мансабдорларидан иборат улкан аркони давлат доираси қуршаб турарди. Юқори амалдорларнинг кўпчилик қисми йирик ер-сувларга эга бўлган мулкдорлар оқсуяк табақани ташкил этарди. Кўпгина мансаблар одатда, ўрта асрлар жамияти шароитида кенг тарқалган ота-бободан мерос ўтар эди. Анъанавий тусга кирган бу ҳол давлат мансабдорларининг энг муносиб шахсларни танлаб қўйиш имкониятидан маҳрум қиласи эди. Мансабдорлар давлат танг аҳволга тушиб қолган пайтларда ўз вазифаларини ташлаб кетар ва подшоҳга итоатсизлик қилиб, ўзбошимчалик билан ўз билгандарича йўл тутар эдилар. Шундай қилиб сиртдан кучли, нуфуздан буюк кўринган Хоразмшоҳлар давлати сиёсий жиҳатдан унчалик ҳам мустаҳкам эмас эди. Ҳатто айрим вилоят ҳокимлари Хоразмшоҳларга номигагина бўйсуниб, амалда деярли мустақил эди. Мамлакат тождори Султон Муҳаммаднинг ҳокимлиги, шу сабабли аркони давлат доирасида унчалик нуфузга эга эмасди. Бунинг устига Султон олий даргоҳи ичидан кучли низо ҳукм сурарди. Айниқса, Турканхотун, яъни “турклар онаси” номи билан шухрат топган Султон Муҳаммаднинг забардаст волидаси қўшиннинг олий саркардалари ҳисобланган қипчоқ оқсуяклари

билан уруғ-қабила алоқалари орқали маҳкам боғланган эди. Ўз қабиладошлари манфаати йўлида саройда кўтарилган барча фитналарга бу шаддод она бошчилик қиласр эди. Ҳатто уларда шоҳга қарши адоват руҳини уйғунлаштириб қўйган эди.

“Чингизхон” романидаги бир боб бу аёлнинг фитналаридан бирига бағишлиланганлиги билан эътиборга моликдир. Биринчи китобнинг иккинчи қисми олтинчи боби “Туркон хотун фитнаси” деб номланиб, академик Бартольднинг бу тарихий аёл шахсиятига берган таърифи билан бошланади:

Туркон хотундек ақлли хотиннинг раҳбарлиги остида ҳарбий аристократиянинг (қипчоқларнинг) таъсири тез фурсат ичида тахтни бебурд қилди, қипчоқлар озод қилишга келган бўлсалар ҳам, ўzlари ишғол қилган жойларни баҳузур талар ва подшоҳларни халққа ёмон кўрсатар эдилар.¹⁵

Асарнинг бу қисми Туркон хотун фитна орқали тахт ворислигидан туркман хотиндан туғилган бўлгани учун султоннинг катта ўғли Жалолиддинни тахт ворислигидан маҳрум этиб, ўзининг қипчоқ уруғидан бўлган Хоразмшоҳнинг етти яшарлик ўғли Қутбиддин Ўзлоқшоҳни тахт вориси этиб тайинлашга эришгани ҳикоя қилинади. Туркон хотун ўзини ҳатто Султон Муҳаммаддан ҳам юқори қўйиши бу бобда маҳорат билан тасвиранган.

Мамлакат ҳолатининг энг ачинарли томонларидан яна бири шунда эдики, оғир солиқлардан эзилган Хоразм халқининг Султон Муҳаммадга нисбатан эътиқоди ҳам сусайиб кетган эди. Ички низи бош-бошдоқлик ва фуқароларнинг норозилиги кучайиб, мамлакат сиёсий ҳаёти инқирозга юз тутган бир пайтда Хоразмшоҳлар давлати жангари мўғул қабилаларининг Чингизхон бошлиқ босқинига дучор бўлади.

Асарнинг иккинчи китоби “Мўғул қамчиси остида” деб номланиб, бу ерда Хоразмшоҳлар шаҳарлари мўғуллар босқини натижасида кули кўкка совурилиши, Хоразмшоҳнинг жон талвасасидаги қочишлари, ва унинг онаси

¹⁵ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёт, 1966. Б.52.

Туркон хотуннинг аянчли тақдирлари баён этилган. Туркон хотун Хурсонда мўғулларга қарши курашиш учун қўшин тўплаётган невараси Жалолиддиннинг ҳимоясига боришни хоҳламайди ва охир-оқибат Чингизхон қўлига асир тушади. Чингизхоннинг ўтовини тагида мунгли қўшиқ атий туришга мажбур бўлган Туркон хотунга ахён-ахёнда Чингизхон ғажилган суяларини итга ташлагандек иргитарди. Туркон хотуннинг тирикчилиги шу тарзда ўтарди.

Бундан ташқари юрт озодлиги учун курашган қаҳрамонлар жасорати ҳам ёзучи нигоҳидан четда қолмаган. Тарихий шахслардан шаҳзода Жалолиддин ҳамда халқдан чиққан мард қаҳрамонлар тимсолида Қора Ҳанжар образлари орқали мўғулларга қарши курашган ватанпарвар шахслар қаҳрамонликлари таъсирли қилиб тасвирланган. “Мўғул қамчиси остида” китобининг иккинчи қисми биринчи ва иккинчи боблари Жалолиддин жасоратига бағишлиланган бўлиб, “Жалолиддин Чингизхонни жангга чақирди” ва “Синд бўйидаги жанг” деб номланади. Айниқса, Синд бўйидаги жанг сахнасида Жалолиддиннинг жасорати қонхўр ваҳший Чингизхонни ҳам лол қолдиради. Тарихчи Рашидиддин асарларидан иштибоҳ келтирган адаб жанг сахнасини шундай тасвирлайди:

“Мўғуллар хоқоннинг сultonни тирик тутиш ҳақидаги амрини эсда тутиб, Жалолиддинни борган сайин ўраб олиб олмоқда эдилар. У эса душман сафини ёриб ўтишга уриниб жон-жаҳди билан олишарди. Аҳволини ёмонлигини фаҳмлаганидан кейин Жалолиддин севикли туркман отига минди, қалпоқ ва бошқа ҳарбий кийимларини ташлаб, факат қиличини қолдиради. Отни бури, баланд қоядан Синд дарёсининг мавж уриб турган тўлқинларига қараб отилди. Нариги қирғоқнинг баланд ерига чиқиб, Жалолиддин қиличи билан Чингизхонга таҳдид қилди ва от чоптириб, чакалакзога кириб кетди.

Чингизхон нихоятда ҳайратда қолганлигидан бармоғини тишлиб қолди ва болаларига Жалолиддинни кўрсатиб:

– Ўғил деган мана шундай бўлиши керак! – деди.

Мўғуллар султон ўзини дарёга ташлаганини кўргач, уни қувмоқчи бўлдила, лекин Чингизхон йўл бермади”.¹⁶

В.Ян Чингизхон образи орқали Чингизхон шахсиятининг турли қирраларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди. Юқоридаги сахна орқали Жалолиддин мардлиги тан олиб уни ўғлиларига ўрнак қилиб кўрсатади. Гарчи Чингизхон Мовароуннаҳрни эгаллаган бўлса-да, унинг ворислари ҳам таҳт талашишда, бир-бирлари билан ёвлашишда Хоразмшоҳ ворисларидан қолишмайдилар.

Ҳали Чингизхон Мовароуннаҳрга юриш қилмасдан олдин у ўз ўғилларидан хавфсирайди. Жўжи ва Чифатойларни таҳт вориси қилиб тайинлашдан кўра майшатни афзал кўрадиган Ўқтой ва Тулу номзодлари ҳақида ўйлайди. Чингизхон ҳаммадан ҳам катта ўғли Жўжидан кўпроқ хавфсирап ва шунинг учун ҳам уни узокроқ вилоятга юбориб, кетидан айғоқчилар қўйган эди. Жўжи унинг ўлимини тилайдиган, Чифатой эса ўзининг энг катта рақиби ҳисобланган Жўжига ўлим истайдиган инсонлар сифатида Чингизхонни ғазабини қўзғатарди. Кекса ва семиз хотини Буртэнинг ўзига ворис тайин этиши ҳақидаги гаплари унга ўлимни эслатади. Шунда у ўзининг қартайганини ҳамда заифлигини эслатмоқчи бўлганларга ҳали ўзининг нималарга қодирлигини ҳамда раҳмсиз жазо беришини кўрсатиб қўймоқчи бўлади. Бу истагини у Гарбга юришларида кўрсатади.

Чингизхоннинг Мовароуннаҳр халқларига кўрсатган ваҳшийликлари, айниқса, аёллар, кексалар ва болаларга ҳам раҳм қилмагани Жалолиддиннинг кичик ўғли уни қўлига тушганда янада яққолроқ намоён бўлади:

“Улар Жалолиддиннинг бутун қўшинини тор-мор қилдилар. Аскарлар унинг онаси билан хотинини мўғуллар қўлига тушмасин деб дарёга ташладилар. Жалолиддиннинг етти яшар ўғлигина мўғуллар қўлига тушиб

¹⁶ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.205.

қолди. Улар болани Чингизхон олдига келтириб қўйдилар. Бола унга ёнбоши билан туриб, жасурона ва нафрат акс этувчи назар билан қаради.

– Душманизни таг-томири билан қуритиш керак, – деди Чингизхон – бундай жасур мусулмон авлоди невараларимни сўяди. Шунинг учун бу боланинг юрагини този итимга беринглар”.¹⁷

В.Яннинг “Чингизхон” романида кино рассоми учун образ яратишга оид қатор деталлар тарихий манбалардан эпиграф сифатида фойдаланилгани билан аҳамиятга моликдир. Романинг биринчи китоби тўртинчи қисмининг бешинчи боби “Улуғ сulton әлчи хабарини тинглайди” деб номланиб, В.Ян Чингизхон қиёфасини тарихий манбалардаги фактлар асосида жонлантиради. Жумладан, эпиграф сифатида “Чингизхон баланд бўйли, бақувват одам эди. Кўзлари мушукнинг кўзларига ўхшар эди”, дея тарихчи Жузжоний фикрлари келтириб ўтилади.

Романда Чингизхон қиёфаси қўйидагича таърифланади:

“Маҳмуд Яловач бошини кўтариб қархисида дағал малла соқолли, жиддий қиёфа кўрди.

Унинг икки ўрим оқарган сочи кенг елкасига тушиб турарди. Қора, ялтироқ телпак остидан сарғимтирип яшил кўзлар катта зумраддек ёниб, тикилиб турар эди”.¹⁸

“Қалин матодан кийим кийиб, олтин камар боғлаган баланд бўйли, букчайган хоқон ўрнидан турди. Оқ мешдан этик кийган хоқон оғир ва салмоқли қадам босиб, чодирнинг бир четига келди-да, пардани кўтарди ва оқ қалпоқ”, бароқ тўн кийган учала элчининг чанг босган отларга миниб секин-секин йўлга тушаётганларини кузатиб турди.

– “Буюк амр(юриш)” фурсати етди. “Сафар ойи” ни кутаман.”¹⁹

“Чингизхон” асаридаги Бухорога юриш саҳнасида ҳам Чингизхон қиёфаси майда деталлар билан тасвирлангани билан аҳамиятга молик.

¹⁷ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.205.

¹⁸ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.106.

¹⁹ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.107.

“Сараланган бир минг аскар ўртасида Қизилқум сахросидан алангадек чиққан Шарқ ҳукмрони ҳам бор эди. Олдинда түққиз думли катта оқ байроқ күттарган, баҳодирона кўринишли мўғул борарди. Унинг орқасидан икки отлик яланғоч қора қўзлари чақнаб турган отни етаклаб бордилар. Кейин қора либос кийган Чингизхон ўзининг содда жабдуқли саман отида шошилмай келар эди.

Бироқ букчайган Чингизхоннинг қовоғи солик эди. Чарм камарига қора қинли шамшир осиб олган. Елкасига осилиб тушган қора чарм қалпоги, бурнига тушиб турган стрелкаси, қотиб қолган қора юзи, оқара бошлаган узун соқоли ва қисик қўзлари олтин ва жавҳар билан безангандан Хоразмшоҳлардан уни ажратиб туради.”²⁰

Роман персонажлари мураккаб характерга эга бўлган қаҳрамонлар. В.Ян Чингизхон, Хоразмшоҳ, Жалолиддин, Туркон хотун каби тарихий шахсларнинг тақдирини, уларнинг характеристики турли сахналар орқали очиб беришга ҳаракат қилган. Хоразмшоҳ баъзан улуғ ҳукмдор, баъзан онасининг сўзларидан чиқолмайдиган қарам султон сифатида гавдаланади. Аёлларга, майшатга берилган адолатсиз султон сифатида ўқувчида нафрат уйғотади. Гарчи асар бошида улуғвор қиёфа касб этган бўлса-да, асар сўнггида моҳовлар оролида аянчли аҳвола умр кечиради. Жалолиддин Мангуберди образи отага итоаткор ўғил, мард жангчи сифатида гавдаланади. У Туркон хотун томонидан қатор ноҳақликлар, камситилишларга бардош беради. Тахт ворислигидан маҳрум қилинса ҳам, отасига исён кўтармайди. Мўғуллар билан курашда бирлашишга члҳорлайди. Ўзаро низолар билан бартараф этишга қаратиб, оз сонли қўшини билан мўғулларга қарши курашаверади. Чингизхон ҳам қанчалик ваҳший инсонларнинг ғамидан қувонадиган инсон бўлса-да, унинг ҳам оғриқли нуқталари бор. Ўғилларини отасининг ўлими пойлайдиган эмас, балки мард, жасур, Жалолиддин каби тож-тахтдан маҳрус

²⁰ Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. Б.160.

етилса-да, ота амрига бош эгувчи фарзанд бўлишини истайди. Шу сабабдан душманини ўз ўғилларига ўрнак сифатида кўрсатади.

В. Ян Чингизхоннинг ўлимига қадар воқеаларни баён этади. Жўжининг ўлимини эшитган Чингизхон сўнгги дақиқада ҳам менга қарши қўзғалиб ҳалоқ бўлдими? – дея шубҳага боради. “Чингизхон ўлишга қарор берди” деб номланган бобида ўлим чоғида унинг юришлари ва зафарли юришларини мадҳ этиб китоблар ёзишларини буюради.

В. Ян тарихчи мутахассис сифатида бу асарлар билан танишиб чиқиб, Чингизхон вафот этгандан кейин, кўрган-билганларнинг гапларига асосланиб, унинг ҳаёти ва юришлари тўғрисида мўғул, хитой, татар ва форс тилида расмий солнома ёзиб чиқилган. Булар ҳаммаси Чингизхонни ва мўғуллар қирғинини макташдан иборат бўлиб, ҳақиқат ҳолни бузиб кўрсатади, фақатгина замондош сарой солномачиси Рашидиддин ва араб солномачиси Ибн Ал Асир ва бошқалар ҳақиқатни ёзганлар дея изоҳ беради.

В. Яннинг “Чингизхон” романи тарихий фактларга асосланиб бадиий талқин қилинганлиги билан аҳамиятга молик. Бу асарда нафақат бадиий ижодкорнинг қарашини, балки тарихчи изланувчи олимнинг ҳам қарашларини учратиш мумкин. В. Ян тарихий манбаларга таҳлилий жиҳатдан ёндошади, тўқима образларни маҳорат билан таъсирли тарзда ифодалайди, у асосан ҳаққонийликка интилади. Хоразмшоҳлар давлатини кулашига сабаб бўлган ички низоларни моҳирлик билан бадиий талқинда жонлантира олади. Чингизхон образининг турли ҳолат ва қўринишларда ёритиб беришга ҳаракат қиласи. Асарда Чингизхон ваҳший босқинчи, душман, қонхўр шахс сифатида яна ўғиллари ўртасидаги низоларни бартараф бўлишини хоҳловчи ота сифатида қўринади. Баъзи лавҳаларда у душман мардлиги ва жасоратини тан ола биладиган киши сифатида қўринади.

“Чингизхон” романининг 1966 йилда Тошкентда чоп этилган нашри рассом М. Рейхнинг асар учун ишланган иллюстрациялари билан эътиборга молик. Рассом “Чингизхон” асаридағи воқеларни, кулминацион ва таъсирли

саҳналарга иллюстрациялар яратади. М. Рейх яратган Чингизхон образи В. Ян тасвирилаган образнинг рангтасвирида жонланишига қиёсласа бўлади. Рассомнинг бой тасаввури маҳсули сифатида дунёга келган асарлар Чингизхон образини тасвирий санъатда ифодалаган рассомлар ижодини ўрганиш жихатидан аҳамиятга молик. М. Рейх яратган Чингизхон образи ўзининг қаҳрамон ички кечинмаларини юз ифодалари орқали тасвирангани, либос, тарихий анжомларнинг, безакларнинг ўз ўрнида мувафаққиятли қўлланилгани билан таҳсинга сазовордир. Рассомдан бадиий асарни тасвираш жараёнида энг таъсирли, кулминацион воқеалар жараёнидаги ҳолатни ажратиб олиб тасвираш, уни кўз олдига келтириш ҳамда бадиий адабиётни ўқувчи инсонни таъсирлантира оладиган сюжетни яратиш катта малака ва маҳоратни талаб этади.

1.2. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асаридаги Чингизхон образи

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” ҳақида қуидаги фикрларни билдириб ўтган:

“Чингизхоннинг оқ булути” – Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романига илова қилинган қисса. Ёзувчи китобхонларни романда тақдири номаълум бўлиб қолган Абуталип Куттибоев билан қайтадан учраштиради.

“Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси “Асрга татигулик кун” романига ўриш-арқоқ бўлиб қўшилиб кетди. Абуталипнинг кейинги тақдири не кечди экан деган саволга жавоб бўлиб тушди. Айни вақтда, уни мазмун-мундарижаси, тузилиши, яхлитлиги, қаҳрамонларининг табиатига кўра мустақил бадиий асар дейиш ҳам мумкин.²¹

²¹ www.ziyouz.com kutubxonasi

“Чингизхоннинг оқ булути” асарида икки даврда аммо бир ҳудудда бўлиб ўтган инсонларнинг фожеавий ҳёти талқин этилади. Асарда орадан минг йиллар ўтса-да, инсоният ўртасидаги қураш ҳамон мавжудлиги афсона мисолида кўрсатиб берилган. “Чингизхоннинг оқ булути” қиссасида икки йўналиш – бир томондан пок қалбли Абуталип билан бешафқат Тансиқбоев ўртасидаги муросасиз тўқнашув, иккинчи тарафдан эса, дунёни ларзага келтирган Чингизхоннинг фожиаси бир-бири билан ботиний боғланиб кетган.

Чекист Тансиқбоев бегуноҳ Абуталипни Югославияда партизанлар ҳаракатида иштирок этганликда, эски халқ адабий меросларини йиғиб юрганликда айблайди. Абдулатипнинг қоғозлари орасида Чингизхон ҳақидаги афсонанинг топилиши Тансиқбоев назарида катта сиёсий айловга асос бўлиб хизмат қиласиган далил бўлиб кўринади.

“Бундан ташқари, Қуттибоевнинг қоғозлари орасидан Чингизхон даврига оид “Сариўзакдаги ўлим жазоси” номли яна бир афсона чиқиб қолди. Тансиқбоев бу кўхна тарихга авваллари аҳамият бермаган экан, энди эса бирдан шу ҳақда ўйлаб кетди. Агар чукур мулоҳаза юритилса, бу ривоятда ҳам қандайдир сиёсий маъно борга ўхшайди.”²²

Чингизхон – тарихий шахс, ўз даврининг фарзанди.

Чингиз Айтматов ўз қаҳрамонининг табиати, характери болалигиданоқ шаклана бошлаганига ургу беради. Чингизхон ҳали Темучин деб аталган болалик чоғидаёқ, бошқалардан ўч олишни, ҳаммани оғзига қаратишни хуш кўтарди. У сувдан тутилган балиқни талашиб, ўзининг укаси Бектерни ўқ-ёй билан отиб ўлдириб қўяди. Ёзувчи қонхўр жаҳонгир табиатининг илдизларини очиб беришни мақсад қилиб қўйган. Болалигиданоқ тошбағир бўлиб ўсган, ҳеч кимга яхшиликраво қўрмайдиган кишидан эзгулик кутиб бўлармиди?

²² Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Довулларнинг буқа бўкиргандай теварак-атрофни ларзага солган шовқинини эшитганда ҳар сафар Чингизхон бадани жимиirlаб кўҳна бир воқеани эслайди: ўсмирилик пайтида ёнгинасида иккита буқа туёқлари билан чанг-тўзон қўтариб, даҳшат солиб бўкирар ва бир-бирларини сузиб жонжади билан беллашар эди, буқаларнинг бўкиришига маҳлиё бўлиб қолганидан қўлига ўқ-ёй олиб нарироқда уйқусираб ўтирган Бектер исмли укасини отиб қўйганини билмай қолди, бундан сал олдинроқ у дарёдан тутиб олган балиқчани талашиб Бектер билан жанжаллашиб қолган эди-да. Бектер дод солиб бақирди, ўрнидан сакраб турди-да, яна ағанаб тушиб, қонга беланди. Темучин эса (Ҳа, ўша пайтларда у бор-йўғи Темучин эди, ёшлигига ўлиб кетган Есугай баҳодирнинг етимчаси эди), қўрқиб кетганидан ўтов ёнида ётган довулни елкасига қўйди-да тоққа чиқиб кетди.

Чингиз Айтматов “Чингизхоннинг оқ булути” асарида Чингизхон образи орқали тарихий шахс характерининг шаклланиши, унинг қизиқишилари ва ички кечинмалари, шахсияти кўрсатиб беради.

“Чингизхон ўта даражада омилкор, тадбиркор ва олдиндан кўра оладиган одам эди. Европага бостириб киришга тайёргарлик кўрар экан, ҳамма нарсани икир-чикиригача чоғлаб, мўлжаллаб қўйди. Содик айғоқчилардан, бошқа мамлакатлардан қочиб келганлардан, савдогардан ва зиёратчилардан, дарбадар дарвешлардан, ишбилармон хитойлар, уйғурлар, араблар ва форслардан сонсаноқсиз қўшинларининг бостириб бориши учун зарур бўлган ҳамма маълумотларни – энг қулай йўллар, кечув-гузарларни сўраб билиб олган эди. Чериклар ўтиб борадиган жойлардаги халқларнинг хулқ-атвориу урф-одатлари, динларию машғулотларини ҳам ўрганиб олган. У ёзув-чизувни билмас эди ва бу каби ахборотларнинг ҳаммасини ёддан билиши, йўл бўйи учрайдиган нарсаларнинг зарар-фойдасини фарқ қила олиши жоиз эди.”²³

²³ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Чингизхон ички оламини тасвирлар экан, адаб уни шеъриятга молик шахс сифатида таърифлайди.

“Мана ўн етти қундирки, Чингизхон Ғарбга томон юриш қилиб борар экан, ўзида йўқ мамнун, кайфи чоғ. Бундай қараганда, буюк хоқон ўзини ҳар доимгидек тутяпти, улуғ зотларга хос бир сирли – дам олаётган шунқордай жиддий, бепарво. Аслида унинг ички дунёсида байрам: дили завқ-шавққа тўла, қўшиқ хиргойи қилиб бораётир, ҳатто шеър тўқиб юборди:..

Чингизхон бу шеърни бирорларга ўқиб берса ярашмас эди – қамчисидан қон томган ҳокими ҳуккомнинг шоирлик қилишини тасаввур этиш амри маҳол. Лекин тун демай, кун демай от устида юриш ўзи бўлмайди, чарчок, зерикишга ҳай бериш, юракни ёзадиган, кўнгилни очадиган нималардир қилиш керак-ку! Қўшиқ битса битибди-да!²⁴”

Чингиз Айтматов бу қиссани “Чингизхоннинг оқ булути” деб номлашига асосий сабаб, асарда Чингизхонга бир башоратчи дарвеш унга Кўк Тангрининг назари тушганлигини айтиб, бунинг рамзи сифатида бошида доимо унга ҳамроҳ бўлиб юрадиган оқ булут пайдо бўлишини айтади. Агар у ўша оқ булутни йўқотиб қўйса, унинг зафарли жанглари, жаҳонгирлиги ҳам барҳам топишини башорат қиласди. Айнан Чингизхоннинг Ғарбга юриши чоғида унинг боши узра оқ булут пайдо бўлади. Оқ булутдан айрилган онда Чингизхон ўз юришини тўхтатиб, ортга қайтиб кетади.

“Чингизхоннинг оқ булути” афсона асосига қурилган ҳақиқат рўёби тарзда гавдалантирилган. Жаҳонни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Чингизхоннинг ички кечинмлари ёзувчи томонидан баён этилгани, айниқса, дикқатга сазовордир.

“Ғарбга юриш учун тайёргарлик азим салтанатнинг икки йил вақтини олди. Даштлар ҳокимининг асл мақсади, тарихий вазифаси охир-оқибатда ҳаммага эгалик қилиш ва ҳаммадан қудратли бўлиш касалига мубталолик

²⁴ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

эди. Шунинг учун ҳам Чингизхон салтанатининг бутун ҳаёти – Осиё қитъасининг ҳадсиз ҳудудларини ишғол қилган улусларнинг ҳаёти, қаттиққўл хоқоннинг зулми остида ғинг этмайдиган хилма-хил қабила-уруғлардан таркиб топган бутун аҳолининг ҳаёти, барча шаҳарларда ва дала-даштларда яшаб турган бойлар ҳамда ялангоёқ фуқароларнинг ҳаёти, қўйингки, ким бўлмасин ва нима иш қилмасин охир-оқибатда ҳар бир кишининг ҳаёти бошдан оёқ фақат бир эҳтиросга – иблисона, мангу очофат ҳирсга, янги-янги ерларни, янги-янги халқларни забт қилиш, бўйсиндириш вазифасига қаратилган эди. Ва шунинг учун ҳам ҳамма ягона ният йўлида хизмат қилас, барча бир мақсадга бўйсунган эди – у ҳам бўлса Чингизхоннинг ҳарбий куч-кудратини оширишдан, бойлик жамғаришдан, ҳокимиятни такомил топтиришдан иборат эди.”²⁵

Ғарбга юриш олдидан Чингизхон ўзининг янги режасини жорий қилди – Ҳарбийларга фуқаролар аралаш қўшинларида бола туғилишини тақиқлаш тўғрисида фармон берди.

Гап шундаки, жанговар суворийларнинг хотинлари билан ёш болалари одатда оилавий араваларда қўшинларнинг кетидан эргашиб бораверишар эди. Бу анъана қадим-қадимларда ҳаёт тақазоси ила расм бўлган эди – нега деганда сон-саноқсиз ички низолар пайтида душманлар кўпгина ҳолларда ватанда ҳимоясиз қолдирилган хотинлар билан болаларни қириб бир-бирларидан ўч олишар эди. Бунда қабиланинг илдизига болта уриш учун биринчи навбатда ҳомиладор аёлларни қириб ташлашарди.

Чингизхон улкан жаҳонгирилик жангларига икки йил тайёргарлик кўрди. Оилавий қўшинларга “жангу жадаллар ниҳоясига етмагунча аёллар туғмасин” деган қаҳрли фармон берилди.

²⁵ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқбулуги – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Янги қиссанинг бадиий аҳамиятини кўтарган воқеалардан эътиборлиси – лашкарбошилардан бири, юзбоши Эрдене билан қўшин туғларига гул тикадиган каштадўз Дўғулангнинг аянчли фожиасидир.

Ҳокимиятнинг куч-қудрати, забтидан икки ёш ошкора оила қуришга мұяссар бўла олмайди. Лекин барибир Чингизхоннинг фармони, буйруги икки қайноқ қалбнинг муҳаббати қаршисида ожиз эди.

Чингизхон икки олов орасида қолди – бир аёл туғиб қўйибди, деб юришни тўхтатиш керакми ёки фармони олийни оёқости қилганларга ўзининг қаҳрини кўрсатиб, беандишаларни қаттиқ жазолаш лозимми, деган савол қийнар эди уни! Осмонда эса оқ булат ҳамон фалак кезмоқда. Уни ҳеч ким пайқамайди, пайқаса ҳам эътибор бермайди унга, бу – Чингизхоннинг шахсий булути эканлигини ким билади дейсиз. Бу – худонинг қудрати, севган бандасига раво кўради буни.

Ердене билан Дўғулангнинг қочиш тўғрисидаги режаси барбод бўлади. Дўғуланг чақалоги билан қўлга тушади. Энди Эрдене нима қилиши керак?

Дўғуланг чақалоқни охирги марта эмизишга улгурди. У ҳар қандай йўл билан, ҳатто ўзини ажал тиғига уриб бўлса ҳам, Эрдененинг жонини сақлаб қолса бас. Кейинчалик ота-бола бир илож қилиб топишиб кетар!

Лекин Дўғулангнинг айтгани бўлмади. Ҳамманинг кўз ўнгida, отасиз ҳаромзода туғиб олганига икрор бўлиб бутун жиноятни ўз гарданига олган севгилисининг жон азобида қийналаётганини кўрган мард зобит: “Мана мен! Чақалоқ менинг ўғлим! Ўғлимнинг оти Ғунон! Онасининг исми Дўғуланг! Мен лашкар юзбошиси Эрдене бўламан!” деб ўртага чиқади. Эрдене билан Дўғулангнинг қўлларини орқасига маҳкам боғлаб, чўкиб ётган туюнинг икки ёнига олиб боришиди-да, ўркач орқали осилган арқоннинг икки учидаги илмоқни иккаласининг бўйнига солиб, туюни уриб-зўрлаб тургазишиди. Шундай қилиб, икки ёш инсон тирик дорнинг устида хуржун каби осилиб жон таслим қилди.

Чингизхон Дўғуланг ва Эрденени ўлим жазосига ҳукм қилганида гўё севимли хотини Берке ўғирлаб кетганлардан қасос олади. Чингизхон ҳаётидаги энг фожиали кунлар сифатида душманлари томонидан Беркени ўғирланиши унинг брагидаги ўчмас доғ сифатида қолади. Шу сабабдан у катта ўғли Жўжини ёқтирумасди.

Буюк хоқон ёшлик пайтида, ҳали Чингизхон эмас, Темучин деб аталган даврларда қўшни қабилалар билан кўп марталаб жанг қилган, бошқаларга қаҳрини ўтказган, ўзгалардан ҳам азият чеккан, ана шундай ҳужумлардан бирида меркит қабиласи вакиллари ҳужум қилиб Чингизхоннинг суюкли хотини Бортени ўғирлаб ўз ҳокимига совға қилишади.

Меркитлар Темучин билан бўлган жангда енгилгандан сўнг бу қабиланинг бошқа ўлкаларга ёки бориш қийин бўлган жойларга кўчиб кетишга улгура олмаган вакиллари ҳеч қандай хавф туғдирмас, кўплари молбоқар ва хизматкор бўлиб ишга кирган ёки қул бўлиб кетган эди, шундан кейин ҳам энди Чингизхон номи билан машҳур бўлган ўша аламзада Темучиннинг меркитлардан ҳамон аёвсиз ўч олишининг сабабини ҳеч ким тушунмас эди. Оқибатда қочиб кетишга улгурмаган барча меркитлар қириб ташланди, улардан биронтаси ҳам Бўрте меркитлар қўлида аси尔да бўлганлигига алоқадор бирон нарса айтиб бера олмас эди.

Кейинчалик Чингизхон яна учта хотин олди, лекин тақдирнинг ўша илк шафқатсиз зарбасидан қолган дардни ҳеч нима даволай олмади. Хоқон бутун умри ана шу дард билан яшади. Ана шу қон талашиб турган, лекин зоҳиран ҳеч кимга кўринмайдиган қалб яраси билан яшаб келди. Бўрте тўнғич ўғли Жўчини туғиб бергандан кейин Чингизхон ўз хотинининг ҳомиладорлик кунларини синчковлик билан хисоблаб чиқди, шундан кейин аниқ бир фикрга кела олмади: ундай бўлиши ҳам, бундай бўлиши ҳам мумкин, бола унинг ўғли бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Унинг ор-

номусига юзсизларча чанг солган қандайдир номаълум киши Чингизхоннинг бир умрга тинчини бузди.

Чингизхоннинг тўнгич ўғлидан хавфсираши нафақат афсоналарда, балки тарихий манбаларда ҳам келтириб ўтилган. Жумладан, Жўчихон билан отаси Чингизхон ўртасидаги муносабат, айниқса, ҳар иккалаларининг умри охирида қандай кечганлиги ҳақида тарихий китобларда ҳар хил фикр айтилган. “Табақоти Носирий” (тахминан 1260 йилда ёзилган) китобининг муаллифи қози Минҳожиддин Жузжоний (1193 йилда туғилган) бундай деб ёзади: “Жўчихон Қипчоқ чўлининг об-ҳавоси ва сувларини кўриб, фазоси кенг, об-ҳавоси ёқимли, суви ширин, яйловлари кенг бунақа мамлакат дунёда йўқ, деб ҳисоблади ва кўнглидан отасига қарши исён кўтариш хаёли кечди ва яқин кишиларига деди: “Чингизхон ақлдан озибди, чунки кўп одамларни ўлдириб, мамлакатларни вайрон қилмоқда. Фикримча, уни овга маҳлиё қилиб, ўлдириш лозим. Сўнг Султон Мухаммад Хоразмшоҳ билан яқинлашиб, давлатимизни равнақ топтиришимиз ва мўмин-мусулмонларни кўллаб-кўлтиқлашимиз зарур”. Муаллиф сўзида давом этиб, Жўчихоннинг нияти ва режаларини Чифатойхоннинг отасига етказганлигини, Чингизхоннинг эса фитнанинг олдини олиб, бир гуруҳ одамларни Жўчихон ўрдасига жўнатганлигини ва фитначи ўғлини бир ёқлик қилганлигини таъкидлайди.

Ота-бала ораси яхши бўлмаганлигини Рашидиддин ҳам айтган. У хусусан бундай деб ёзади: “Хоразм фатҳ этилгандан кейин Жўчихон Ардиш (Иртиш) бўйларига қараб йўл олди ва бориб уғруқ ўрдусига қўшилди. Бундан сал илгари Чингизхон Жўчига шимолий мамлакатлар, яъни Келор, Бошқирд, рус, черкас, Даشت Қипчоқ ва бошқа мамлакатлар устига қўшин тортиш ва уларни бўйсундиришни буюрган эди. У эса бундан бош тортиб, ўз юртига кетиб қолгандан кейин Чингизхон беҳад дарғазаб бўлди ва деди: “Мен уни жазога тортаман, бундан буён мендан меҳр-шафқат кўриб бўлибди”, деди. Сўнг Чингизхон Чифатойхон ва Уғдойхон бошчилигига унга қарши аскар

юборди, лекин шу пайт Жўчихоннинг вафот этганлиги ҳақида мудҳиш хабар олинди”. Шунга ўхшаш гап Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асор” китобида ҳам учрайди. Хоразмлик машхур тарихчи Абулғозихон бу воқеа (Жўчихоннинг вафоти) отасининг ўлимидан (1227 йил 25 августда) олти ой аввал содир бўлганлигини айтади. Бу ҳақда Ўтамиш хожи “Чингизнома” да: “Жўчихон Чингизхоннинг тўнгич ўғли эди. Чингизхон унга катта қўшин бериб, Даشتி Қипчоқقا тайин қилди ва жўнаб кетаётганда деди: “Майли, ўша мамлакат отларинг учун яйлов бўла қолсин. Унга Хоразмни ҳам қўшиб берди. Жўчихон Даشتи Қипчоқقا жўнаб кетди ва унинг машхур жойларидан бўлмиш Улуғтоқقا келиб тушди. Кунлардан бир куни тоғда кийик овида отдан йиқилиб тушди ва бўйни синиб, қазо қилди”.

Чингизхон икки ёшни ўлимга буюрган он башорат амалга ошиди ва уни омад келтирадиган, Тангри ёрлақаган ўша оқ булат уни тарк этди.

Еру кўкни ларзага солган қўшинлар ҳеч нарсани билмагандай, чўлу биёбонларни ортда қолдириб, олға томон юриб, босқин йўлини давом эттирадилар. Фалокат рўй берган жойда Дўғулангнинг дугонаси Олтун норастани қучоқлаганича қолаверди. Қорни очиқкан гўдак дала-даштни бузиб дод солиб йиглайверади. Ўшанда мўъжиза рўй беради – уларнинг тепасига оқ булат келиб соя солади, умрида бола эмизмаган, турмушга чиқмаган қари қизнинг кўкрагидан сут кела бошлайди. Бу – худонинг ўз севган бандаларига меҳрибонлиги эмасми?

Абуталипнинг тақдири ҳам фожиали тугади – қийноқ, азоб-уқубат, таҳқир-хўрликларга бардош бера олмай ўзини поезд тагига ташлади. Абуталип ўз жонига қасд қилиб, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Чингиз Айтматов, бутун борлиғи бошдан-оёқ фожиалардан иборат бўлиб қолган онларда одам ўзини қандай тутиши керак – деган мураккаб масалага яна бир бор мурожаат қилди.

“Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси “Асрга татигулик кун” романига ўриш-арқоқ бўлиб қўшилиб кетди. Абуталипнинг кейинги тақдири не кечди экан деган саволга жавоб бўлиб тушди. Айни вақтда, уни мазмун-мундарижаси, тузилиши, яхлитлиги, қаҳрамонларининг табиатига кўра мустакил бадиий асар дейиш ҳам мумкин.

Бу томонларда поездлар ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга қатнагани қатнаган...

Сариўзакнинг бийдай далалари бўйлаб аёзли шамол ғазабнок қутуриб, оппоқ қор унини осмони фалаккача тўзғитиб юрган қаҳратон қиши чилласида оқ либос кийган даштдаги тунги Бўронли бекатини қор уюмлари орасидан топиш поезд ҳайдовчилари учун осон эмас эди. Ўйноқлаган қор бўронларига бурканган тунги поездлар ним қоронғида ёмон тушдагидай безовта келиб кетаверади.

Ана шундай кечалари дунё ибтидоий унсурлардан янги-дан яратилгандай туюлади – ўзининг изгирин нафасидан ушиган Сариўзак дашти зулмат ила рўшноликнинг тим қоронғиликдаги курашидан пайдо бўлган губорли уммонни эслатарди.

Худди ана шу поёнсиз овлоқ сайҳонликдаги бекатда ҳар кеча тонг отгунча мўъжазгина уйнинг бир деразасида чироқ ўчмайди: у ерда кимдир оғир дардан жон талвасасида тўлғанмоқда ёки бирор уйқусизлик касалидан азоб чекаётир деб ўйлайсан киши. Бекат ёнидаги ана шу хужрада Абуталип Қуттибоев оиласи яшар эди.

Унда Қуттибоевнинг хотини билан фарзандлари ҳар куни дадаларини кутавериб, кечалари чироқни ўчирмас, хотини Зарипа эса лампа чироқ пилигининг куйган учини бир неча марта кесиб қўяр эди. У ҳар сафар чироқни янгидан ёқар экан, бир жуфт кучукчалардай бурчақда кучоқлашганча беозор ухлаб ётган қора сочли икки ўғилчасига меҳр билан нигоҳ ташлаб қўяр эди.

Зарипа кўйлакчан, совуқдан жунжуқади ва қўллари билан қўкрагини қисиб ваҳимага тушади ва қўрқинч аралаш ўйлаб кетади: бояқиши болаларим тушларида оталарини кўришаётган бўлса-я, бир йифлаб бир қулиб унинг кетидан ҳар қанча чопишса ҳам унга ета олишмаётган бўлса-я? Улар ўнгидан мудом отасини пойлашади, поезд келди дегунча бекатга чопишади. Поезд тормозларини тарақлатиб бир лаҳза бўлса ҳам тўхтади дегунча болалар худди оталари сакраб тушадигандай вагон ойналаридан кўзларини узишмайди. Қанча поездлар, қанча кунлар ўтди орада, Абуталипнинг тақдирни ҳам фожиали тугади – қийноқ, азоб-уқубат, таҳқир-хўрликларга бардош бера олмай ўзини поезд тагига ташлади. Абуталип ўз жонига қасд қилиб, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Бироқ Абуталип ҳаёти ҳар қанча хавф остида бўлса ҳам бош эгмайди. Чин инсон ор-номусини Тансиқбоев каби ҳайвон табиат манқуртларнинг оёқости қилишига имкон бериш – инсоният олдида гуноҳи кабира эканлигини яхши тушуниб етади.

Чингиз Айтматов, бутун борлиғи бошдан-оёқ фожиалардан иборат бўлиб қолган онларда одам ўзини қандай тутиши керак – деган мураккаб масалага яна бир бор мурожаат қилди.

“Чингизхоннинг оқ булути” асари бошқа Чингизхон образини гавдалантирган асарлардан фарқли равишда мўғуллар хоқонининг ички-кечинмалари, унинг қонхўр ва вахший ҳукмдорга айланиши ҳамда даҳшатли қарорларини сабабини англашга, тушунишга ёрдам беради. Умуман, бу асарда Чингизхон образига психологик нуқтайи назардан ёндошилган. У қаечалик ёвуз бўлмасин, у ҳам инсон. Кайфияти чоғ пайтлари шеър тўқиб, қўшиқ куйлайди. Тўқиган шеърларини аёнларига ўқиб беришдан уядади ҳатто. Чунки вахший хоқоннинг шеър ўқишини кўз олдига келтириш қўшинлар, саркардалар учун ёт ҳолат. Унинг руҳиятида доимо ғолиблик устун. Шу сабаб у укасини ўлдирди, хотинини ўғирлаб кетган қабилани сўнгги аъзосигача қириб ташлади. Шу сабаб у тўнғич ўғлини сўймайди.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари ўзининг сюжети, воқеаларнинг таъсирчан ифодасига кўра тарихий мавзудаги кино фильм сифатида талқин қилиш учун муносиб асарлар сирасига киради.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жаҳон адабиёти намуналарида Чингизхон билан боғлиқ ҳолда яратилган асарлар талайгина. Улар ичида В.Яннинг мўғулларнинг шарқ ва жануби-шарқ ўлкаларидағи халқлар устидан қилган босқинчиликларига бағишлиб ёзган уч романи билан, айниқса, шуҳрат қозонган. “Чингизхон” романи шу трилогиянинг биринчи романи ҳисобланади. Мазкур романни тарихий фактларга асосланган ҳолда яратилган тарихий-бадиий асарлар сирасига киритиш мумкин. “Чингизхон” романи тарихий манбалар асосида яратилгани жиҳатидан Чингизхон образини эскизлардан жонлантириш жараёнида хаёлий тасаввур билан биргаликда тарихий фактлар асосида ёндошилган тасаввур маҳсулини яратишга катта ёрдам беради. Роман Чингизхон ҳаётини, унинг юришларини қамраб олган ҳолда баён этилгани билан тарихий персонаж ҳаётини, унинг шахсини тўлиқроқ тасаввур қилиш имкониятини яратади. “Чингизхон” романи В.Яннинг илмий изланишларининг бадиий маҳсули сифатида дунёга келган десак, муболага бўлмайди.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари эса воқевлvr ривожи ривоятлар, Сариўзакда кенг тарқалган афсоналарнинг бадиий талқинига қаратилгани билан катта аҳамиятга эга. Асар Чингизхон ҳаётидаги бир кичик воқеа орқали тарихий шахсобразини яратишга, унинг ички кечинмаларини очиб беришга қаратилгани билан катта аҳамият касб этади.

В.Яннинг “Чингизхон” романидаги образдан фарқли ўлароқ Чингиз Айтматовнинг Чингизхон образи керак бўлганда қўшиқ тўқиб хиргойи ҳам

қилади. У ўзининг Кўк Тангри нигоҳи тушган инсон сифатида мағурурланади. Бундак кўриш мумкинки, Чингиз Айтматов томонидан тасвирланган образ бадиий тўқималарга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қиссада таъсирли саҳналар кўп. Асар персонажларининг барчаси ўзининг қисматига эга. Буни яхши англаган Чингизхон шунинг учун ҳам оқ булат уни тарк этгач, Ғарбга юришдан воз кечади.

Кино рассоми учун жаҳон адабиёти намуналари ўрганиш орқали тарихий шахслар образига мурожаат қилган ҳолда эскизлар яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан олиб қараганда жаҳон адабиёти намуналарига таҳлилий жиҳатдан мурожаат этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

II боб. Ўзбек киноматографиясида тарихий фильмларнинг яратилиши

2.1. Ўзбек киноматографиясида тарихий фильмларнинг яратилиши

Санъат – бу улкан туйғулар оламидир. У инсоният туйғуларининг жилолари шаклида намоён бўлади. Пировардида инсон руҳини озиқлантиради, маънавий дунёсини бойитади, уни комиллик сари етаклайди. Кино санъати жуда мураккаб соҳа бўлиб, унинг тарғиботи, тадқиқи ундан-да мураккаб жараёндир. Театр, кино, радио, телевидение, рақс, тасвирий санъат, меъморлик, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турлари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. У ўзининг бетакрорлиги, жозибадорлиги ва ноёблиги билан кенг оммани ўзига жалб этади ва унга таъсир ўтказади. Санъатлар ичida бир санъат тури борки, у кишига маданий ҳордиқ билан бир қаторда маънавий озуқа ҳам улашади. У кишиларни кулдиради, ўйлатади, йиғлатади, ҳайратга

солади. Бу санъат тури – кинодир. Кино санъатида тарих ўз аксини топади, у миллий қадриятларни англашда ўзига хос ўринга эга. Кино олами шу қадар кенг ва жозибалики, у ҳақда гапирмасликнинг иложи йўқ.

Кино санъати шаклланиш тарихига назар солсак, у синтетик санъат тури эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Кинонинг санъат тури сифатида шаклланишида анъанавий санъатлар сезиларли таъсир кўрсатди. Қадим замонларда жаҳон халқлари қояларга чизиб қолдирган расмлар, миниатюралар, XVIII ва XIX асрларда эса графиканинг ривожланиши, рангтасвир ва ниҳоят, фотографиянинг пайдо бўлиши – буларнинг ҳаммаси макон ва вақт, ҳаракат ва вақтни бирлаштириш йўлларини излаш билан боғлиқ бўлди. Ҳар бир санъат турини батафсил ўрганишда шу муҳим вазифаларни ҳал этишга интилишни кўрамиз. Масалан, ҳар қандай шарқ миниатюрасининг композицияси унда кечаётган ҳаракатнинг мураккаб изчил уйғунлашувидан иборат бўлиб, бу эса уларнинг муаллифлари ўз асарларида вақтни акс эттиришга интилганликларини кўрсатади.

Ўрта Осиёда намойиш қилинган ленталар, асосан, Америка, Франциянинг Шарқ экзотикасига мойил фильмларидан иборат бўлган. Ўзбеклардан чиққан биринчи кинооператор X. Девонов ўзининг хужжатли хроникал кино ленталарида реал ҳаётни тасвиrlашга 1924 йилда “Бухкино”, 1925 йилда Тошкентда “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси ташкил топди ва ўзбек кино санъатининг ривожини бошлаб берди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, умуман, Совет кино санъати, жумладан, ўзбек кино санъати хроникага асосланган эди. Рус кино усталари К. Гертель, М. Доронич, Ч. Сабинский, О. Ферелих, А. Дори ва бошқалар ўзбек бадиий кинематографиясини майдонга келтиришда катта ёрдам кўрсатдилар. “Шарқ юлдузи” кинофабрикасининг дастлабки ленталарини яратган рус кино усталарига ёрдамчи бўлиб ишлаган Н. Ғаниев ўзбек миллий кино санъатига асос солди. Ўзбек кино санъатининг ilk намояндлари Н. Ғаниев, Сулаймонхўжаев, Р. Пирмуҳамедов, К. Ёрматов, Э. Ҳамраев ва бошқалар, рус

совет кино усталари ёрдамида ўзбек кино санъатини иттифоқ миқёсига кўтаришга фаол қатнашди.

1931 йилнинг 11-14 май кунлари Тошкент аҳолиси ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлади. Биринчи марта “тапирадиган” фильм кўрсатилади. Москвадан ўлкамизга келган маҳсус киноэкспедиция бир неча кун давомида тошкентликларга “тапирадиган, шовқин-сурон соладиган, куйлайдиган” фильм кўрсатди. Томошабиннинг кети узилмади. Талабларга биноан сеанслар такрор намойиш этилди. Тез орада бирин-кетин фильм-концертлар, қисқа метражли “шовқин-суронли, гапирадиган, куйлайдиган” киноленталар экранларга чиқарилди. Шундай қилиб, 30 йилларда “соқов” номи билан машхур бўлган санъат – кино бисоти яна бир сермазмун восита, рангли ва ёрқин бўёқ билан бойиди. Кино санъати дунё юзини кўрар экан, унда режиссёр ва оператор ишлари асосий ўрин тутарди. Чунки илк босқичларда асосан хужжатли фильмлар олинган. Уларда табиат, бозорлар, халқ сайиллари, меҳнат жараёнлари кўрсатилар эди. Бироқ бадиий овозли кино пайдо бўлиши билан актёр сиймоси унинг диққат марказидан жой олди. Актёрларнинг кинода жуда муҳим ўрин тутиши ўзбек киноси тарихидан маълум.

XX асрнинг 30-йилларида овозли кинонинг вужудга келишини кино санъатининг бадиий қийматини оширди. “Қасам” (режиссёр А. Усольцев 1937) фильмнинг яратилиши ўзбек кино санъатида овозли фильмлар даврини бошлаб берди. Овозли кинонинг ўзлаштирилиши ўзбек кино санъатининг адабиёт ва театр билан алоқасини янада мустахкамлади.

Кинога овоз кириб келганидан сўнг ёндош санъатлар вакиллари – ёзувчи ва актёрларга эҳтиёж сезилди. Улар учун ижод қилишнинг янги имконият эшиклари очилди. Инсон характерини, тақдирини очадиган умуминсоний фикрлар, ғояларга бой, китобхонни ўйлантириб қўядиган, фикрлашга ундейдиган асарлар ёзадиган ёзувчи, драматург ва адиллар керак эди. Биринчи овозли фильмлар яратилаётган даврда ўзбек кино санъатига

Комил Яшин, Уйғун, Зиё Саид, Ҳамид Олимжон, Иззат Султон, Абдулла Қахҳор каби етук қалам соҳиблари кириб келдилар. Фильмлар уларнинг асарлари асосида яратилди. Айни пайтда улар мустақил равишда киносценарийлар ҳам ёздилар, чет эл фильмларини ўзбек тилига дубляж қилишда қатнашдилар. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби буюк шахслар ижодига бағишлиланган сценарийлар ёзилди. Саҳна санъати заҳматкашларидан Асад Исматов, Лутфихоним Саримсоқова, Раҳим Пирмуҳаммедов, Раззок Ҳамроев, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Марям Ёқубова, Обид Жалилов, Наби Раҳимов, Сайрам Исаева, Фани Аъзамов, Зикир Муҳаммаджонов каби актёрларнинг пайдо бўлиши кино санъатида жуда катта ижодий имкониятларни очиб берди. Улар “Йигит” “Асал”, “Қасам”, “Азамат” каби ўша давр мафкурасидан ҳикоя қилувчи фильмларда иштирок этдилар. Бу пайтга келиб Н. Ғаниев, С.Хўжаев, Й. Аъзамов, М. Қаюмов, Э.Ҳамроев, О. Шаропов каби режиссёр ва операторлар ҳам бўй кўрсатиб қолган эди.

Ўзбек кино санъатида тарихий мавзуга мурожаат қилган ҳолда яратилган асарлар талайгина. Ўзбек киносида тарихий мавзу ривожини ёзувчи ва драматурглар томонидан тарихий жанрда яратилган асарлар белгилаб берди. Режиссёrlар ўзбек адабиётининг нодир намуналарига мурожаат қилган ҳолда асарлар яратса бошлашди. Ёзувчи ва драматурглар олдига тарихий воқеани тўғри талқин эта билиш, тарихий шахслар характеристини хаққоний чиза олиш учун ўша даврдаги курашларни бутун мушкулликлари билан тушунириб бериш, тарихий шароитни бутун ҳаракатга келтирувчи кучлар билан намошӣ этиш каби долзарб вазифа қўйилади.

“Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Улуғбек юлдузи”, “Абу Райҳон Беруний”, “Сен етим эмассан” каби фильмлар тарихий жанрнинг ёрқин намуналари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбекфильм” ўз фаолияти давомида “Улугбек юлдузи”, “Ўткан кунлар”, “Кутлуғ қон”, “Бой ила хизматчи”, “Тошкент – нон шаҳри” ва “Севги можароси” каби қўплаб тарихий фильмларни суратга олди.

Ўзбек киносида тарихий мавзудаги бадиий асардарни биринчи бўлиб Ўзбекистон халқ артисти Латиф Файзиев экранлаштириди. Ўзбек киносида тарихий мавзу ривожига катта хизмат қўшган муаллифлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбобларидан бири Собир Муҳамедов ҳисобланади. У “Ҳамза”, “Шиддат” номли фильмларга ёзган сценарийлари билан танилди. “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” каби романларнинг экранлаштирган вариантини яратишда асар руҳини сақлаб қолишга эришди.

“Ўткан кунлар” каби халқ орасида кенг тарқалган асарни экранлаштириш фильм муаллифларидан катта маъсулият қунт ва чидам талаб этарди.

“Ўткан кунлар” фильмни учун сценарий муаллифи Собир Муҳамедов, постановкачи режиссёр Йўлдош Аъзамов, оператор Михаил Кранисянский, актёrlардан Аббос Бакиров (Юсуфбек хожи), Раззок Ҳамроев (Мирзакарим қутидор), Ҳамза Умаров (Ҳомид) лар Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлар.

Ўзбек киностудиясида тарихий-биографик фильмларга асос солган асар “Алишер Навоий” бўлди. Мазкур фильм Навоийнинг “Менинг мақсадим халқнн мусибатдан кутқаришдир”, - деган сўзлари билан нфодаланганди чуқур ғоя асосига таянган. Фильм давомида мутафаккир шоир ўз орзусинн амалга ошириш учун атойдил ҳаракат қиласи. Навоийнинг мамлакатни обод қилиш, қақроқ ерларга сув чиқариш, одамлар орасидаги низоларин йўқотиб, юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш, подшоҳ ва унинг ўғилларн ўртасидаги ихтилофларнинг олдини олиш, шахсан шоҳдан одиллик талаб этиш сингари инсонпарварлик йўлидаги хизматлари фильмга сайқал беради.

Фильм давомида ички душманлар тайзиқи устун чиқиб, шоирнинг

орзу-умидлари поймол бўла бошлайди. Хусайн Бойқаро салтанати фиску - фужурлар билан тўлиб, бу ифво ва бўхтонлар, ниҳоят, темурийлар хонадонини инқирозга олиб келади.

Навоийнинг хилма-хил воқеа-ҳодисаларга бой босиб ўтган йўли, давр фожеалари ва мутафаккир шоирнинг бу фожиаларни даф қилиш йўлида олиб борган кураши буюк мутафаккирнн улуғлайдн, уни авом халққа, қолаверса, замонамизга янада яқинлаштиради.

Ҳам ғоявий ҳам бадиий жиҳатдаи баркамол бу фильм, ҳақиқатдан ҳам томошабин меҳрини қозона олди. “Алишер Навоий” фильмининг режиссёри Комил Ёрматов ва актёрлардан Рассоқ Ҳамроев билал Асад Исматов Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлдилар. Бу фильм факат ўзимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш билан томоша қилинди.

Кино танқидчи, профессор Р. Юреньев “Ўзбекфильм” студиясида ўтказилган йиғилишда шундай деган эди: “Мен қўп халқаро фестивалларда қатнашаман. Масалан, Венеция, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда бўлдим. Ҳамма ерда ҳам мендан “Алишер Навоий” фильмини яратган студия ва режиссёрнинг кимлигини сўрашади. Мен эса виқор билан Ўзбек студияси-ю, Комил Ёрматов номини тилга оламан.

Бухарестда чиқадиган “Либертатея” газетаси фильмга шундай баҳо берган:

“Бу ажойиб фильм Ўзбекистон кинематографиясини тўппа-тўғри дунёning илғор кинематографияси қаторига олиб чиқди. Шу билан бир қаторда ўзбек халқининг жамиятда қанчалик юксак бадиийликка эришиши мумкинлигини кўрсатди”.²⁶

Шоир Максуд Шайхзода ва Ўзбекистон халқ артисти

²⁶ Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б.60-61.

кинорежиссёр Латиф Файзиевлар ижодига ман суб “Улугбек юлдузи” фильмни тарихий шахс ва воқеа-ҳодисаларни экранлаштиришнинг ажойиб намунаси бўлди.

Муаллифлар Улугбекни ўз замонасининг тенгсиз олими, буюк ақл-идрок эгаси сифатида гавдалантиришни мақсад қилиб қўядилар. Улугбек ҳақиқатга нитилишн илм-маърифатни тарғиб этиши зукколиги, адолатпарварлиги билан давримизга ҳамоҳанг образdir.

Улугбекдаги бу фазилатларни юзага чиқаришда муаллифлар бадиий умумлаштириш воситаларидан унумли фойдаланганлар. Ҳақиқатни ички ва ташқи моҳиятлари билан тўлалигича очишга ёрдам берадиган бадиий умумлаштириш типиклаштиришнинг энг муҳим омили хисобланади. Муаллиф бадиий умумлаштириш воситалари орқали воқеа-ҳодисаларни типиклаштиришга эриша олганлар. Улар воқеликдаги ҳақиқатни ўз қаҳрамонларининг ичкни дунёси маънавий қиёфасини очиш орқали акс эттирганлар. Каҳрамонларнинг нчки дунёсига кириб бориш ўз навбатида бадиий жиҳатдан тўлақонли ва ҳаётй асар яратишни таъминлаган.

Бу фильтмда, айниқса, кино имкониятларидан келиб чиқиб ижтимоий ҳаёт, ҳунармандларнинг меҳнат фаолияти саҳнадагидан анча кенгроқ кўрсатилган. Булар ўз навбатида томошабинни XV аср ҳаёти билан таништиришга катта ёрдам беради.

Жаҳолат ҳукмрон бўлган бир замонда илм-маърифат тарқатишини орзу қилмоқ, ҳали ўша па йтга қадар ҳеч ким ботина олмаган ишга қўл урмоқ, яъни “осмон сирлари”ни билишга уринмоқ, дунёга машҳур янгилик ижод этмоқ қаҳрамоннинг ақл-заковатидан дарак берувчи далиллар. Улугбек ўрганган илм уни эзгулик ва адолат сари етаклар экан, қаҳрамон бу йўлда замонанинг илғор кишиларига хос бўлган ишларни қилди: расадхона, мадраса, кўприклар, ҳаммоллар ва ҳоказолар қурдирди; боғ-роғлар бунёд этди; жаҳолатга қарши курашди.

Улуғбекнинг инсонийлик ҳислатларини ва одамийлик туйғуларини очишда унинг севимли рафиқаси Феруза образининг аҳамияти катта.

Фильм муаллифлари Феруза орқали Улуғбекнинг адолатпарварлиги, маърифатпарварлиги билан бир қаторда уни муҳаббатни қадрловчи олижаноб ҳислат эгаси эканлигини кўрсатиб беради.

Томошабин Улуғбекни ҳукмдорлигидан қатъи назар, илм-маърифат тарафдори, ўз даврининг олижаноб даҳосн, одамлар қадр-қимматига етувчи инсон сифатида умр кечиришини мамлакат аҳлинн бир қадар жаҳолат ботқоғидан чиқарнб, уларга тўғри йўл кўрсатишни истайдн. Афсуски, Улуғбек ҳалок бўлади. Унинг ҳалокати томошабинни ачинтиради. Бу воқеа ҳали қора гурухлар ҳукмрон эканлигини, кишиларни маърифатга чорламоқ, осмон сирларни билишга унダメоқ ҳатто тож эгасининг ҳам қўлидан келмаслини очик-ойдин намойиш қиласди. Улуғбек ҳалок бўлгани билан унинг: “Номимиз илм китобларида қолса бас”, - деган сўзлари фильм муаллифларнинг дикқат марказида туради.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки саҳна устаси таниқли ҳалқ артисти Шукур Бурхонов талқинида Улуғбекдаги олимларга хос улуғворлик, шоҳларга хос салобат ўз аксини топган. “Улуғбек юлдузи” фильмси “Ўзбекфильм” студиясида яратилган йирик тарихий асарлар қаторидан муносиб ўрин олди.

“Абу Райҳон Беруний” ва “Абу Али ибн Сино” фильмлари бир даврда яшаб ижод этган Ўрта Осиё олимлари, мутафаккирларининг ҳаёти ва ижодий йўллари уларнинг замон қийинчиликларига мардоналиқ билан бардош берлб, олам ҳақидаги тушунчалар, фанимиз ва тиббиётимизга қўшган улуғ ҳиссалари тарранум этилаи.

Шухрат Аббосовнинг йирик шарқшунос олим Павел Булгаков

билан ҳамфирликда яратилган сценарий “Абу Райҳон Беруннӣ” номли икки серияли фильмга асос бўлди.

Берунийнинг қомусий билим доираси жаҳон олимларини ҳамон ҳайратга солади. У ёзувчи ва тарихчи, файласуф ва астроном, геолог ва географ эди. Беруний биринчи бўлиб ер куррасининг узунлигини белгилаб, глобус яратди. Унинг бир неча фалсафий рисолалари, кузатишлари илмий тадқиқотлари ва адабий асарлари бизгача етиб келган. Лекин булар буюк мутафаккир олим ишларининг бир қисмигина холос. Унинг бир неча фалсафий фанлар ривожига қўшган бекиёс хиссасини, унинг кўп қиррали, салобатли, ўзига хос образини яратишга эришдилар. Фильмда Берунийнинг Қобус ва Маҳмуд Фазнавий сингари хукмдорлар билан муносабати, эзилган, хўрланган ҳалққа ғамхўрлиги, илм сари интилган, уддаббуррон ва иқтидорли қиз – Райҳонанинг меҳрибонликлари ишонарлн ленталарда аксинн топган.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Пўлат Сайд Қосимов ажойиб инсон, ўткир зеҳнили олим ва мутафаккир Берунийнинг мукаммал образини яратиш шарафига эришган. Осетия ҳалқ артисти Бибо Ватаев ижросидаги Маҳмуд Фазнавий, Раззок Ҳамроев ижросидаги Ибн Ирок, Дилором Қамбарова ижро эттан Райҳона образлари фильмни сайқаллаган.

Асар муаллифлариннинг яна бир ютуғи шундаки, улар ҳар бир эпизодга, ҳар қайси образга, юз берган воеа - ҳодисаларга тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндашганлар. Шу сценарий асосида юрак қўри билан яратилган фильм 1975 йилда Кишинёв шаҳрида ўтказилган фестивалда бош совринни олишга муваффақ бўлди. Республика ҳукумати фильмни Ҳамза номидаги Давлат мукофотига лойиқ топди.

“Ўзбекфильм” нинг етакчи режиссёrlаридан бири В. Виткович ва С. Улуғзодалар сценарийси асосида Комил Ёрматов яраган “Абу Али ибн Сино” фильмида биз ҳеч қайси табиб даволай олмаган Бухоро

табибини даволаётган табиб Ибн Сино ҳақида ҳикоя қилинади. Амирни даволагач уни бршдан оёқ олтинга кўмишмоқчи бўлишади, аммо ёш табиб Бухоро амири кутубхонасидан фойдаланиши үзи учун энг катта мукофот деб билади. Фильм шу тарзда бошланиб Бухорога Маҳмуд Фазнавий бостириб кириш Ибн Синонинг ўз она юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбурилиги каби саҳналар билан ривожланади. Гурганчга вабога тарқалган чоғда шаҳарга кириб келган Ибн Сино вабога қарши курашади. У дори хидлатиш йўли билан Абу Райхон Берунийни операция қиласи. Тиббиётдаги жаҳолатларга, кўзбўямачилкларга қарши курашади.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти барча буюк тарихий шахслар ҳаёти каби амирлар, хонлар ўртасидаги ўзаро доимий урушлар, курашлар ўртасида ўтади. Бу уруш жанжаллар унинг ижодига салбий таъсир кўрсатади. Жаҳолат унинг адолатли фикрларини бўғади. Шундай бўлсада улуғ адиб илм-фан ривожи учун жуда катта ишлар қилди. Жаҳон илм фанини бойитувчи асарлар яратди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, истиқлол билан боғлиқ кутлугу режалар ва янгиланиш тамойиллари маърифат, маданият, фан ва санъатда – хуллас, бадиий тафаккурнинг барча катламларида ўз аксини топмокда. Айни вактда, миллий экран санъатида ҳам ўзига хос янгиланиш, ўзгаришлар жараёни кечмокда. Бу хусусан сўнгти йилларда яратилаётган экран асарларида Ватанга муҳаббат, юрга эгалик туйғуларининг устуворлигига, қадриятларимизга, тарихий ўтмишга бўлган эътиборнинг ортиб боришида, шунингдек, инсон қалбининг чукуррок тадқиқ этила бошлаганида, ҳаётни бадиий идрок этишда ўзига хос серқатламлик пайдо бўлганида кўзга ташланмоқда.

Миллий мафкуранинг шаклланишида ҳалқимиз тарихимиз, қадимий, миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши асосий мезон бўлган ҳозирги даврда кино санъати жараёнида тарихий мавзуниш акс этиши муҳим ахамият

касб этди. “Буюк Амир Темур”, “Имом Ал-Бухорий” фильмида миллий ва жаҳон кинематографиясининг ижодий анъаналари, илғор тажрибалари давом эттирилди. Шунинг билан биргалиқда ижодкор мураккаб, серкўлам мавзуни талқин этишда ўзига хос услуг, йўнайишларни танлаганлар-ки, бундай ёндошув ҳар бир фильмнинг бетакрорлигини таъминлайди. Шу аснода, “Буюк Амир Темур” (сценарий муаллифи А.Орипов, Б.Аҳмедов, Б.Содиков, саҳналаштирувчи режиссёр И.Эргашев, Б.Содикова, оператор Р. Иброхимов, 1996) фильми ўзининг ритмик мароми, бой тасвирий олами, мушоҳада эттириш воқеалар қўлами, декорация ва либослар ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Буюк сиймолар ҳақида асар яратиш ижодкорлар зиммасига катта маъсулият юклаб, тарихни чуқур билиш, ўтмиш манбаларни таҳлил қилиб ҳаққоний гавдалантиришгина эмас, уларга ўз замонасининг фарзанди. Санъаткор сифатида фаол муносабат билдиришни тақозо этади. “Буюк Амир Темур” киноэпопеяси муаллифларнинг ҳам улуғ соҳибқирон шахсига, унинг ҳаёти ва фаолиятига шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қиласидилар.

Фильм воқеалари соҳибқиронларнинг ҳаётининг маълум бир саҳифалари гавдаланади. Бу фильм ўз моҳиятига кўра – улуғ ўтмишдошимиз қиёфасини бадиий экранда гавдалантиришнинг дастлабки тажрибасидир. Муаллифлар Амир Темур образини яратишда шу давргача адабиётда ва саҳнада мавжуд тажрибалардан фарқли йўлни танлаб, баркамол шахс қиёфасини бадиий гавдалантиришнинг янги тамойилларини кашф этишга интиладилар.

“Буюк Амир Темур” фильмининг тасвирий олами алоҳида диққат эътиборга лойиқdir. Йирик пландаги кадрлар портретга хос таъсирчанликка эга бўлиб, улардан умумий ва ўрта пландаги тасвиirlарга ўтиш силлиқ ва муқобил кечади, узулишлар сезилмайди. Тасвирий оламининг бадиий-тимсолий умумлашмаси, рамзларнинг аниқ ва лўндалиги, қаҳрамонлар маънавий дунёсининг поэтик талқин этилиши фильмнинг стилистикасини

белгилайди.

“Имом ал-Бухорий” (сценарий муаллифи, саҳналаштирувчи режиссёр Б.Содиков, оператор Р. Иброҳимов, 1995 й.) фильмнинг стилистикаси ўзга ечимда ҳал қилинган. Асар марказида шахс ва тарих муаммоси туради. Муаллифлар миллий экранда тарихий мавзуни, хусусан, йирик тарихий шахслар сиймосини акс эттиришнинг ҳали синалмаган, ўзига хос янги жиҳатларини, кирраларини кашф этадилар. Фильмда тарихий хотира, инсониятнинг маънавий камолот, пок руҳият, ҳидоят сари бетиним интилиши жараёни образли муболағалар, чукур фалсафий умумлашмаларда аён бўлади. Бинобарин, “Имом ал-Бухорий” фильмида анъанавий сюжет қурилмаси учрамайди, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамон ҳаётидан лавҳалар, азиз пайғамбарлар ўтмишидан ривоятлар бирин-кетин алмашинади. Асарнинг негиз-моҳияти асосан тасвирий қатламда - нур ва соялар ўйинида, шарқ миниатюраси анъаналарида ҳал этилган тасвирий ифодаларда очиб берилади. Жозиба сири шундаки, қаҳрамон ички дунёси асосан турфа эпизодлар силсиласида намоён бўлиб, бу эпизодларнинг изчиллиги ва ўзаро мутаносиблигига муайян эркинлик мавжуддир. Муаллифлар масъулиятли, мураккаб мавзуга қўл ураг эканлар, кинематографнинг ўзига хос таъсирчан воситаларидан (ритм, монтаж, мусиқа) ўринли фойдаланишга, мавзуга ҳамоҳанг экран тилини кашф этишга муваффақ бўладилар.

Атоқли ўзбек адаби Абдулла Кодирийнинг “Ўтган кунлар” романи бўйича “Ўзбеккино” ДАК томонидан янги фильтнинг экранларга чиқарилиши Республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Фильмда халқимиз тарихининг маълум сахифалари бадиий мушоҳада этилади.

Миллий-маданий меросимизнинг мумтоз дурдонасига айланган бу асар 1969 йилда илк бор таниқли режиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан экранлаштирилган эди. Р.Хамроев, А.Бакиров, Р.Пирмуҳамедов, М.Ёқубова, Э.Умаров сингари эл севган машҳур санъаткорларнинг иштирокидаги бу фильмни томошабин севиб қолган

эди. Бу ўз навбатида, “Ўтган кунлар” фильмининг янги ижодкорлари зиммасига улкан масъулиятни юклади. Режиссёр М.Абзалов, оператор Х.Файзиев хамда сценарийни яратишда иштирок этган Кодирийнинг набираси – Хондамирлар асосий эътиборни романнинг сероб сюжет йўналишлари ва мавзувий қатламларига, ўзида муаллифнинг баркамол қаҳрамон ҳақидаги орзу-ўйларини акс эттирувчи образларнинг ифодасига қаратадилар.²⁷

Фильмнинг асосий хусусияти ҳам шундаки, у ўзида романнинг яхлит бадиий оламини, муҳими – рухини сақлаб қолади. Ҳар бир кадр ўз таъсирчанлигига эга, сюжетлар баёни батафсил, эпизодлар бир-бирига равон уланиб кетади. Деталлардаги тугаллик, ҳар бир чизги, лавханинг умумий мақсадга хизмат қилишга қаратилган эканида фильм ижодкорларининг асарга бўлган муҳаббатлари намоён бўлади.

Кинорежиссёр Й. Аъзамовнинг “Ўтган кунлар”ида Отабек ва Кумушларнинг севгиси, шу йуналишдаги воқеалар тафсилоти етакчилик қилган бўлса, янги фильмда воқеалар кўлами бирмунча кенгрок бўлиб, тарихий муҳит, давр зиддиятлари образли ифодасини топади. Фильмда халқимизнинг ўтмишдаги турмушини, удум ва маросимларини акс эттирувчи ёрқин лавҳалар, жонли манзаралар гавдаланади. Муаллифларни авваламбор асардаги бетакрор образлар оламини очиб бериш, томошабинни уларнинг қайғу ва шодликларига ҳамдард этиш истаклари илҳомлантиради. Бир қарашда таниш, лекин янги-янги чизгилар кашф этган – фитначи Азизбек (Р.Каримов), Мусулмонқул (Э.Каримов), порахўр Кўрбоши (М.Абзалов), Офтобойим (Г.Жамилова), Кутидор (Х. Алихужаев), Ўзбекойим (С.Исаева) образлари бирма-бир намоён бўлади.

Романни экран тилига ўгиришда ижодкорларни жиддий ўйлантирган

²⁷ Ўзбекистон санъати (1991–2001) / Ўзбекистон Бадиий академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 196.

мушкулликлардан бири Отабек образининг талқини билан боғлик эди. Зеро, бу образ ўз моҳияти билан миллионлаб ўқувчиларнинг, бир неча авлод вакилларининг олийжаноблик, баркамол инсон ҳақидаги эзгу орзулари тимсолига айланган эди. Актёр Беҳзод Мухаммадкаримов ижросидаги Отабек ўзида айнан шу ҳислатларни мужассам этган, унинг қаҳрамони мағрур ва мард, эҳтиросли ва оққўнгилдир.

Экран воеаларнинг ижтимоий мотивларини идрок этаркан, муҳитни, персонажлар характерининг шаклланиб боришини, хусусан, Отабек шахси драмасининг маънавиятини очиб беришга муваффак бўлади. Отабек ва Ҳамид (Б.Косимов) ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик нафақат икки индивиднинг зиддияти, балки турли кутбли оламлар, дунёқараашлар курашидир. Китобда бўлганидек, фильмда ҳам улар очик курашда тўқнашадилар.

Ўзбек кинематографиясида тарихий мавзуларда яратилган фильмларнинг асосини тарихий мавзуда бадиий адабиётда яратилган насрий асарлар ташкил этди. Тарихий мавзуларда яратилган фильмларни ўрганиш ва таҳлил қилиш кино рассомига яратажак тарихий мавзудаги фильми учун катта маҳорат мактаби вазифасини бажаради. Ўзбек кинематографиясида яратилган тарихий мавзудаги деярли барча фильмлар ўз даврида кинофестивалларда олий ўринларни киритиб, ижодкорлар қатор давлат мукофотларига лойик кўрилган. Демак, улар кино санъатининг дурдона асарлари сирасига киради.

2.2. Кинода бадиий яхлитлик (режиссёр ва рассом тандеми)

Бадиий, телевизион ва мультиликацион фильмлар яратишда тасвирий декорация муаллифи рассом ҳисобланади. Рассомнинг олдига гурухнинг барча ижодий аъзолари, айниқса, режиссёр, оператор билан

ҳамкорликда, бир-бирини тушунган ҳолда иш олиб бориш, биргаликда ижод қилиш каби муҳим вазифа қўйилади.

Бўлажак фильмнинг таркибий қисмларини кўрадиган дастлабки ижодий ҳодим ҳам рассомдир. У, аввало, сценарийда акс эттирилган замон, давр, муҳит ҳамда воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб фильм суратга олиниши лозим бўлган жой ва одамларни тасаввур қиласди. Шунга қараб декорация (павильон ёки табиат қўйнида фильм қаҳрамонлари иш кўришга мослаб жиҳозланган жой, у киноасарнинг ғоявий-бадиий мақсадини амалга оширишга хизмат қиласди) ва қатнашчилар учун кийим-кечак ҳамда суратга олиш учун зарурий ашёлар эскизини чизади. У даставвал эскизларнинг ҳаёт ҳақиқатига мос келиши лозимлигини кўзда тутади. Худди режиссёр ва оператор каби рассом ҳам адабиётлар ёрдамида фильмда акс этиши лозим бўлган замон билан яқиндан танишади. Сўнгра у ҳар томонлама чукур фикр юритиб, эскиз чизишга киришади.²⁸

Бадиий кинони рассомсиз тасаввур этиб бўлмайди. Рангтасвир устасидан фарқли ўлароқ, кино рассоми ўз маҳоратини кинодраматург ва режиссёр ғоясини ва фикрини рўёбга чиқаришга қаратади. Дастроҳли рангтасвир устаси бўлажак полотноси учун у ёки бу мавзуни шахсан ўзи танлаб, композиция ва рангларни ҳам ўз хоҳишига кўра белгиласа, кино рассоми фильмни яратадиган ижодий гуруҳнинг бир аъзоси сифатида умумий мақсад ва ғояга бўйсуниб ишлайди. Шу сабабдан ҳам бадиий кинода рассомнинг ўрни жуда ҳам муҳим саналади. У сценарийни ўқиб чиққанидан сўнг бўлажак фильмнинг воқеа ва қаҳрамонларини эскизларда жонлантирадиган биринчи ижодкордир. Бунинг учун рассом кино санъатининг барча хусусиятлари ва талабларини яхши билиши даркор.

Кино рассомининг иш ҳажми кенг қамровлидир. Шу боисдан бош рассом фильм яратиш жараёнида ихтиёрида асосий фикрини рўёбга

²⁸ Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б.42-43.

чиқаришга ёрдам берадиган махсус гурух мавжуд бўлади. Бу гурух рассом сценарий билан танишиб чиққанидан сўнг шакллантирилади.

Битта бадиий фильм яратиш учун ижодий гуруҳга бир қанча рассомлар жалб этилади: 1. Постановкачи (бош) рассом. 2. Декорациялар рассоми. 3. Кийимлар рассоми. 4. Гrimчи рассом. 5. Мебел ва реквизит (уй-рўзғор анжомлари) рассоми. 6. Мураккаб суратларни олувчи рассом. 7. Рассом ассистентлари.

Постановкачи рассом ҳамма рассомларга раҳбарлик қилади. Унинг вазифаси бўлажак фильмнинг меъморий ансамблидан тортиб, то ҳаётий икир-чикирларига қадар тайёрлашда гуруҳнинг ижодий ходимларига йўл-йўриқ кўрсатишидир.²⁹

Рассом кинодаги ижодида энг аввало бўлажак фильмнинг умумғоявий ва бадиий концепциясига таяниб иш кўради. Сценарийни ўрганиш жараёни рассом фильмнинг жанрини, бино ичидаги табиатда суратга олинажак лавҳалар қанчалигини ҳамда хусусиятини ўрганади. Айтайлик, агар фильм тарихий мавзуда бўлса, ўша даврга оид майда деталлар-у, либос ва анжом-буюмларигача ўрганиши керак. Режиссёрнинг оператор билан бўлажак фильм хусусидаги сухбат жараёнида рассом ўз олдида турган вазифани янада аниқлаштириб олади.

Рассомларнинг вазифаси асосан қуидагилардан иборат:

1. Суратга олиш қаерда, қай тарзда бўлиши кераклигини аниқлаш;
2. Бунинг учун қандай декорация тайёрлаш зарурлиги, қаҳрамонлар қандай кийинишлари лозимлигини аниқлаш;
3. Қандай мебель ва уй-рўзғор буюмлари керак бўлишини аниқлаш;
4. Фильмнинг қайси жойларида мураккаб съёмкалар ишлатиш лозимлигини белгилаш.

Умуман буларнинг барчаси ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

²⁹ Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б.43.

Кино рассоми ўз ишини йўлга қўйиш учун бу санъатнинг барча тасвирий воситалари бўйича билимга эга бўлиши керак. У фильмнинг композициясини, лавҳалар саҳнасини, уларнинг монтажда боғланишларини ҳисобга олмоғи ҳамда бу ишда у ўзининг касбий маҳоратини, ижодий фантазиясини, билимини ва бадиий дидини ишга солмоғи лозим.

Сценарий билан танишиш ва режиссёр билан сухбатлашиши жараёнида ўз вазифаларини аниқлаб олган рассом ишга киришади. Рассом ишининг биринчи босқичи фильм учун эскиз яратишдан иборат. Эскизларда рассомнинг фильм воқеаларига ва қаҳрамонларига бўлган муносабати ўз ифодасини топади. Шунда бўлажак фильмнинг хусусият ва ҳислат мутаносиблиги, колорити илк бор кўзга ташланади.

Эскиз – сценарий, мавзу, композиция, ранг ва услугга асосланган бадиий асардир. Фильм пластик ечимининг асослари эскизларга сингдирилади.

Кино декорацияси санъати – фильм воқеларини суратга олиш учун сценарий асосида яратилган павильон ёки табиий шароитда яратилган моддий муҳит (жой жиҳозлар). Фильмнинг турли эпизодларида декорация турлича аҳамиятга эга: айрим ҳолларда томошабинга сезилмайдиган замин (фон) бўлса, баъзан воқеларни юзага келтириб чиқарувчи образли муҳит вазифасини ўтайди. Кино декорация санъати фильм рассомининг фильм оператори ва режиссёри билан билан маслаҳатлашиб яратган эскизлари асосида тайёрланади. Декорация фильм орқали ҳикоя қилинаётган тарихий воқеала, ўша жойдаги муҳит ва шароитни томошабин кўз олдида гавдалантиришга, режиссёр ва кинодраматург илгари сурган ғояни томошабинга етказишга хизмат қиласи.

Дастлабки кино декорация санъати матога чизилган. XX асрнинг 10 йилларидан ҳажмли қилиб ишлана бошлаган, актёр ўйнайдиган жой (олд қисми) табиий ҳажмда ишланиб, йиғма (муваққат) ва доимий фойдаланиладиган павильонлар қурилиб, фильм ўзгармас нуқтадан тасвирга

олинган, декорациянинг олд қисми билан олис манзара (перспектива) си уйғунлаштирилган. Техниканинг такомиллашуви, оддий ва кўп камерали тасвирга олиш комплекс декорация яратишни вужудга келтирди: бунда декорацияни режалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бир вақтнинг ўзида бир неча объектларни тасвирга олишга тўғри келади. Бу рассомдан ўта топқириликни талаб қиласди.

Рассомлар ижодий хусусиятларининг ўзига хослиги ва ижро техникаларига қараб фарқланадилар.

Ўзбек кино декорацияси санъати ривожида Б. Челли, В. Еремян, В. Синиченко, Э. Калонтаров, С. Зиёмуҳамедов, Н. Раҳимбоев, Б. Назаров, С. Алибеков ва бошқа рассомларнинг хизмати катта.³⁰

Ўзбек кино санъати ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган рассомлардан бири Варшам Никитович Еремян (1897-1963) нафақат кино рассоми сифатида балки, график, рангтасвир устаси сифатида ҳам машхур ижодкорлардан бири ҳисобланади. Ижодини Самарқанд манзалари акс эттирилган этюдлар яратишдан бошлаган. Унинг 1910-1950 йилларда яратган Самарқанд меъморий обидалари акс этган этюдлари, айниқса, машхур. Кинодаги фаолиятини 1934 йилдан бошлаган, 1944 йилдан “Ўзбекфильм” да бош рассом сифатида фаолият олиб борган. В. Н. Еремяннинг кино рассоми сифатидаги ижоди “Насриддин Бухорода” (1944), “Тоҳир ва Зухра” (1946), “Алишер Навоий” (1947) каби фильмларда акс этган. Унинг ижоди Ўрта Осиё халқлари маданияти ва майший ҳаётини тарихий-бадиий ёритилишининг теранлиги, колоритни чуқур ҳис қилиниши, композиция ечими билан ажralиб туради. Шунингдек, рассом портретлар (“Автопортрет”, 1926) чизган, С. Айнийнинг “Қуллар”, “Эски мактаб” асарларини ҳамда “Тожик фольклори”, “Ўзбек халқ эртаклари” каби китобларни биринчи бўлиб бадиий безаган.

³⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. Б. 593.

Кингҳо санъатида ўзининг ўзига хос эскиzlари билар ўрин олган рассом Валентин Эммануилович Синиченко (1914-1976) ҳисобланади. У 1941 йилдан Тошкент киностудиясида, 1958 йилдан “Ўзбекфильм”да рассом, постановкачи рассом, бош рассом (1964-1976) сифатида фаолтият олиб борган. Синиченконинг дастлабки мустақил иши 1956 йилда “Қутлуғ қон” фильмни учун яратган эскиzlари ҳисобланади. Кино ишлаб чиқариш техникасини мукаммал эгаллаган Синиченко замон, давр руҳини ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчанлигини ошириш, режавий мақсадини кадрда аниқ ифода этиш, ҳаётий муҳитни кўламли, ишонарли тузиш имконига эга бўлган. “Фурқат” (1959), “Самолётлар қўна олмади” (1963), “Фидойи” (1966), “Икки дил достони” (1966), “Генерал Раҳимов” (1968), “Фалокат оёқ остида” (1971), “Икки солдат хақида қисса” (1976) ва бошқа кўплаб фильмлар учун эскиzlар яратган.

Тарихий ва замонавий руҳдаги фильмлар учун бирдек маҳорат билан эскиз ҳамда декорациялар ишлабсан рассомлардан бири Эммануэл Маркелович Калонтаров (1932–1984) саналарди. У ўз фаолиятини 1959 йилдан “Ўзбекфильм” киностудиясида рассом сифатида бошлаган. Ш. Аббосовнинг “Сен етим эмассан” (1962), “Тошкент–нон шахри” (1968), “Абу Райхон Беруний” (1974), А. Ҳамроевнинг “Қўрқувсиз” (1974), “Инсон күшлар ортидан боради” (1976), Л. Файзиев ва О. Мейернинг “Али бобо ва қирқ қароқчи” (1978) фильмларига қофоз ва картонга кўмир, акварель, гуашь билан ишлабсан эскиzlари фильм гоясини очиб беришга хизмат қилгани билан дикқатга сазовор. “Абу Али Ибн Сино” (1979), “Уйғониш” ва “Келинлар кўзғолони” (1984) фильмларига ишлабсан декорация эскиzlари рассомнинг маҳоратини ифодалайди.

Театр ва кино рассоми сифатида бирдек самарали ижод қилган рассомлардан яна бири Садриддин Мухидддинович Зиёмуҳамедов ҳисобланади. Унинг “Севишганлар” (1969), “Оловли соҳил” (1975), “Чинор

остидаги дуель” (1979), “Эҳтиёт юўлинг, илон!” (1980), “Севги афсонаси” (1983), “Водиллик келин” (1984), “Тангалик болалар” (1991), “Бомба” (1994), “Кичкина табиб” (1998) каби бадиий фильмларга рассомлик қилган.

Гарчи кино рассомнинг иши сценарийга, режиссёр ғоясига ва кинонинг ўзига хос хусусиятларига бўйсундирилган бўлса-да, унинг ижодий дастхатини эскизларда эмас, тайёр фильмда ҳам кўриш мумкин. Рассом Ш.Абдусаломовнинг иштирокида яратилган эскизлар ва фильмларни (“Лайлак келди – ёз бўлди”, “Инсон қушлар ортидан боради”) рассом С.Гуленко ижодига мансуб киноленталар билан (“Тошсанам”, “Караҳтлик”, “Алвидо фўр ёшлигим...”) асло адаштириб бўлмайди.

Кино асарига мўлжалланган асарлар кинематографиянинг ўзига хос хусусиятларига жавоб бериши, табиийлиги, нозиклиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туриши лозим.

Иқтидорли, тажрибали рассомлар чизган эскизлар кинофильмларда ҳам яққол сезилади. “Беруний”, “Алишер Навоий”, “Тоҳир ва Зухра” (рассом В. Еремян), “Улуғбек юлдузи” (рассомлар Э. Қаландаров, Н. Раҳимбоев) сингари фильмлар декорацияси давр руҳини ўзида мукаммал мужассамлаштирган.

Кино рассомлари фақат экран учун ишламайдилар. Улар кўпинча мўйқалам устаси сифатида алоҳида эскиз ва полотнолар билан кўргазмаларда ҳам иштирок этадилар. Уларнинг кинодан ташқари ижодларида таксвирий санъат тенденциялари кўзга ташланади. Рассом ана шу тажрибасини кинога ҳам тадбиқ этиш орқали унинг тасвир оламини янги, ўзига хос сифатлар билан бойитади.

Фильм устида иш бошланар экан, рассом ва оператор режиссёр билан бирга натурага олинажак жойларни бирга танлайди. Манзара, табиат фильмда бетараф, шунчаки фон вазифасини ҳам ўташ мумкин. Лекин улар маҳорат билан танласа фильм, воқеалари муҳитини ёки қаҳрамонлар хис-

туйғуларини тұлароқ намоён этувчи драматургик аҳамият касб этиши ҳам мумкин.

Рассом ҳар бир фильмда реквизит билан ҳам иш олиб боради. Бунда қаҳрамонларни ўраб турган анжом ва буюмлар унинг томонидан шундай танланиши керакки, токи улар атроф-муҳитнинг ҳаққонийлиги учун хизмат қилсін. Масалан, кинода, театрда бўлганидек бутафор мевалардан фойдаланиб бўлмайди. Хуллас, фильм ҳамма нарсанинг асл ўзи бўлиши лозим. Рассомнинг иши воқеалар ва қаҳрамонлар жонланиши учун ҳаётий муҳит яратишга, фильмнинг умумий ғоясини очиб беришга қаратилиши керак. Лекин ундан ҳам муҳими қаҳрамонларнинг мукаммал образини яратишидир. Бунда декорациялардан ташқари яна натура, пейзаж, реквизит ва қаҳрамонлар учун лиbosлар муҳим аҳамият касб этади. Қаҳрамонларнинг лиbosларини яратиш мураккаб жараён. Улар устида ишлашда ҳамма нарсани яъни муайян воқеа жойини, даврини, костюмни кийиши лозим бўлган актёрнинг шахсини, фильмга кирган ҳар бир лавҳанинг ўзига хос томонларини белгиловчи ракурслар ва планларни инобатга олиш керак бўлади.

Ўзбек киносининг дастлабки пайтларида фильм лиbosлари қатъий ижтимоий характерга эга бўлган. Қаҳрамоннинг камбағал ёки бойлигига қараб лиbos тикиш учун материаллар танлаб олинган. Ўзбек киноси тараққий этган сайин лиbosлар бўйича рассомлар пайдо бўлдилар. Бунгача В. Еремян ҳамма ишни ўзи бажаришга тўғри келган. Шунга қарамай унинг лиbosлари бўйича қилган ишлари лиbos яратувчи рассом ижодининг энг юксак намунаси деса бўлади. У яратган лиbosлар қаҳрамонларнинг характерларидан келиб чиқиб яратилган. Қоработирнинг маккорона ақли, қаҳр-ғазаби Шукур Бурхоновнинг зўр маҳорати билан бир қаторда у кийган лиbosлари орқали ҳам очиб берилган. Қора рангдаги лиbos қўринишидан Қоработирнинг ҳақиқий мақсад ва режаларини яшириб, мавхумлаштириб тургандай ҳиссиёт уйғотади.

Кино рассоми ўз санъати орқали фильм қаҳрамонлари ва атроф-муҳитнинг ўзига хос жиҳатларини очиб кўрсатишга ёрдам беради. Бунда либос қандай матодан тикилгани, ҳатто унинг энг арзимас деталларигача катта роль ўйнайди. Либослар аввалига эскизларда ёки оддий расмларда дунёга келади. Режиссёр билан келишилгач, мато танланади ва студиянинг тикиш цехида тайёрлашга киришилади.

Кийим фильм иштирокчисини ясатибгина қолмай, у қаҳрамоннинг ижтимоий, тарихий, миллий буюмлари белгиси ҳам ҳисобланади.

Кийимда қаҳрамоннинг феъл-автори, жамиятда тутган мавқеи ва ёши акс этади. “Абу Райхон Беруний”, “Шум бола”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Тошкент – нон шахри”, “Ўткан кунлар”, “Муҳаббат ва нафрат” сингари фильмлар қаҳрамонларининг замон, давр, муҳит руҳига мос кийимлари бунга мисол бўла олади.

Бадиий кинода постановкачи – рассом ва либослар бўйича рассомлардан ташқари яна грим (пардоз) лар бўйича рассом ҳам ишлайди. Кино грими театрниidan фарқ қиласди. Агар театрда грим қуюкроқ бўлса, кинода анча нозик – сезилмайдиган бўлишига эътибор қаратилади. Грим, либос актёрни образга киришишига ёрдам беради. Пардоз ошириб юборилса ёки ноаниқ бўлса, ролнинг экрандаги кўриниши сохта бўлиб чиқади. Кинода гримни қўллаш актёр қиёфасини ўзгартириш (эртак-фильмлардан ташқари) дегани эмас, балки образнинг ўзига хослигини таъкидлаш, унинг таъсирчанлигини ошириш учун алоҳида чизгилар беришдир. Актёр юзи, терсидаги баъзи нуқсонларни ёпиш учун ҳам кинода грим қўлланилади. Гримчи-рассом образ моҳиятини, драматургиясини яхши билса, у энг маъқул грим топа олади.

Грим – актёрнинг бўёқлар, ёпиштирма соқол-мўйловлар, париклар ёрдамида образ яратиш мақсадида афт-ангорини баъзан бир оз, баъзан бутунлай ўзгартиришидир. Кионкамера объективи ниҳоят даражада сезгир, у актёрнинг гримидағи, имо-ишорасидаги, хатти-ҳаракатидаги озгина

қалбакиликни ҳам дарров илиб олади. “Насриддиннинг саргузаштлари” фильмидаги Лев Свердлиннинг гримини эслайлик. Насриддиннинг сурати аниқ бўлмаган. Лекин у Ўрта Осиё халқларининг ижобий қаҳрамони. У ўткир зеҳнли камбағалпарвар бўлиб, бойлар, амалдорлар устидан кулиб юрадиган хушчақчак шахс. Рассом В. Еремян унга мос грим топа олган. Ёки “Амирликнинг емирилиши” фильмидаги Амир Олимхон гримини олайлик. Фильм муаллифлари Аббос Бакировни Амир Олимхон гримида извошга ўтқазиб, Бухоро шаҳрини айлантирганлар. Шунда халқ: “Ие, Амирку. Вой Амир қайтиб келибди! Вуй, Амир Олимхон!” деб ажабланибди.³¹

Кинода режиссёр ва рассом бир-бирини ўзаро тушунган ҳолда фаолият олиб бориши фильм мувафаққиятини таъминлайди. Режиссёр билан бўлган сұхбат жараёнида рассом у гавдалантиришни хоҳлаган образлар ва саҳналарни тушуниб олиши, режиссёр тасаввурини илғаб, уни эскизларда гавдалантира олиши муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида режиссёр ҳам рассомга ўз истакларни тушунтира билиши, фильм ижодий гурухини шакллантиришда айнан асар образларини яққол жонлантира оладиган малака ва маҳоратга эга рассомни танлай олиши фильм мувафаққиятини таъминлайди.

Рассом ўз фаолияти давомида кўплаб тарихий фильмларни кузатиб бориши ҳамда бошқа кино рассомларининг фаолиятини ўрганиши, улар яратган бой тажрибаларни таҳлил қила олиши ва керакли ўринларда фойдалана билиши жоиз.

Рассом ва режиссёр бирлиги фильм мувафаққиятининг асоси сифатида қайд этилишига асосий сабаб, режиссёр тасаввuri ва асар қаҳрамонларини рассом илк бор инсон кўз ўнгига гавдалантиради. Шу сабабдан ҳам рассом қаҳрамонлар образига нафақат ижодкор қўзи билан, балки томошабин кўзи билан ҳам қарай олиши лозим. Зотан фильмга энг

³¹ Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б.44.

ҳаққоний баҳони томошабиннинг эътирофигина бера олади. Жонли, ҳаққоний яратилган образларгина халқ меҳридан, қалбидан жой олади ва фильмни инсонлар хотирасидаги узоқ бўлган умрини таъминлайди.

II боб бўйича хуроса

Хуроса қилиб шуни айтиш жоизки, ўзбек киноматографиясида яратилган тарихий фильмлар ўзининг ўтмий ҳаётини ёрқин ифодалаши, тасвирий ечими билан бой тажриба мактаби ҳисобланади. Ўзбек кино санъати тарихий фильмлари орасида жаҳон кино санъатининг нодир намуналари сифатида эътироф этилган кино асарлар қўпчиликни ташкил қиласди. Тарихий фильмларнинг ҳаққоний гавдалантиришда ҳамда асарнинг муваффақиятли чиқишида кино рассомининг ўрни бекиёс саналади. Бу жараёнда кино рассомидан тарихий даврни чукур билиш, кичик деталларни ҳам тўғри ифодалай билиш талаб этилади. Рассом ҳар бир фильмда реквизит билан ҳам иш олиб боради. Бунда қаҳрамонларни ўраб турган анжом ва буюмлар унинг томонидан шундай танланиши керакки, токи улар атроф-муҳитнинг ҳаққонийлиги учун хизмат қиласин.

Кино рассоми ўзидан аввалги тарихий мавзуда яратилган кино асарлари чукур билиши таҳлил қила олиши ҳамда ўрни келганда кино рассомларининг маҳоратини бойитган ҳолда ўз ижодида муваффақиятли тарзда қўллай билиши лозим. Бу кино рассомидан катта маҳорат, изланиш ва касбий малакани талаб қиласди.

Кино муваффақиятини унинг бир-бирини тушунган ҳолда ижод қилувчи ижодкорлар жамоаси таъминлайди. Шу сабабдан ҳам режиссёр ва рассомнинг тандеми тарихий асарларда айниқса катта аҳамиятга эга. Кинода режиссёр ва рассом бир-бирини ўзаро тушунган ҳолда фаолият олиб бориши фильм мувафақиятини таъминлайди. Режиссёр билан бўлган сухбат жараёнида рассом у гавдалантиришни хоҳлаган образлар ва саҳналарни тушуниб олиши, режиссёр тасаввурини илғаб, уни эскизларда гавдалантира

олиши муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида режиссёр ҳам рассомга ўз истакларни тушунтира билиши, фильм ижодий гурухини шакллантиришда айнан асар образларини яққол жонлантира оладиган малака ва маҳоратга эга рассомни танлай олиши фильм мувафақиятини таъминлайди.

III. боб. “Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида кино талқини учун яратилган эскизлар таҳлили

3.1. Асосий қаҳрамонларнинг тасвирий гавдаланиши

“Чингизхоннинг оқ булути” асари асосида кино талқини учун яратилган эскизларнинг аксарияти асосий қаҳрамонларнинг тасвирий жиҳатдан гавдаланишига бағишенгандан. Асосий қаҳрамонлар сирасига Чингизхон, мингбоши Эрдене ва каштадўз Дўғуланг образлари киради.

Чингизхон бош қаҳрамон, тарихий шахс ҳисобланганлиги сабабли асарда талқин қилинган қўринишида эскизларда жонлантириш лозим саналади. Асарда Чингизхоннинг ички кечинмалари, руҳий олами ҳам тасвириланади. Жумладан, Чингизхон ўта даражада омилкор, тадбиркор ва олдиндан кўра оладиган одам эди. Европага бостириб киришга тайёргарлик кўрар экан, ҳамма нарсани икир-чикиригача чоғлаб, мўлжаллаб қўйди.

Содик айғоқчилардан, бошқа мамлакатлардан қочиб келганлардан, савдогардан ва зиёратчилардан, дарбадар дарвешлардан, ишбилармон хитойлар, уйғурлар, араблар ва форслардан сон-саноқсиз қўшинларининг бостириб бориши учун зарур бўлган ҳамма маълумотларни – энг қулай йўллар, кечув-гузарларни сўраб билиб олган эди. Чериклар ўтиб борадиган жойлардаги халқларнинг хулқ-авторио урф-одатлари, динларию машғулотларини ҳам ўрганиб олган. У ёзув-чизувни билмас эди ва бу каби ахборотларнинг ҳаммасини ёддан билиши, йўл бўйи учрайдиган нарсаларнинг зарар-фойдасини фарқ қила олиши жоиз эди.³²

³² Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Асарда келтирилган Чингизхон образини тасвирий ифодаси сифатида эскизларда уни қиёфаси, кўзлари ҳамда ички оламини очиб беришга ҳаракат қилинди. Чингизхон образи узоқни кўзлайдиган, яширин фикр юритадиган, унинг ичидаги ва ҳозир қандай даҳшатли фармон беришини билиб бўлмайдиган таассурот уйғотади. Шу сабабдан унинг аёнлари унга бир сўз айтишга чоғланишдан кўра сукутни афзал билишади. Зотан хоқон қарори ўзининг даҳшати билан барчани ларзага солишга қодир. Чингизхон образи тасвирланган эскизда асарда тасвирланган Чингизхон характерига хос хусусиятларни сингдиришга ҳаракат қилинди. Айниқса, уни одамга қаттиқ нигоҳ билан қараши, нигоҳлари орқали унинг руҳияти намоён қилишга ҳаракат қилинди. Кино талқини учун яратилган эскизларда қаҳрамон образини ёритиб берувчи либос ва грим муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабдан бош қаҳрамон ҳисобланмиш Чингизхон образига алоҳида ёндошув асосида костюмлар ишланди. Чингизхон Гарбга томон юришга отланганини ҳисобга олиб, сафарга мос либос ва анжомлар эскизлари устида ишланди. Бошида мўғуллар бош кийими тумоқ ва бўркни эслатувчи асосан сафарда кийиладиган бош кийим кўриниши гавдалантирилди. Ўша давр аслзодалар кийими ҳисобланган кўк хитой шойиси матосидан устки либос устидан шу рангдаги ёпинчиқ ташланган. Унинг устидан жангчиларга хос бўлган тўқа тақилган. Устки кийим енги остидан бинафшаранг қўйлак енглари кўриниб турибди. Мазкур эскизда Чингизхон орқасида чанг-тўзон кўтарган, байроқлари кўзга ташланиб турган кўшиннинг юришини гавдалантирилган.

Эрдене образи учун ишланган эскизда асосан Чингизхон қўшини аскарлари қиёфасининг умумий кўриниши тасвирланади. Эрдене ўша давр учун хос бўлган ҳарбий либос ва анжомларда акс эттирилган. Мингбоши образи қўрқмаслик, жасурлик тимсоли эканлиги эскизда яққол намоён бўлади. Асарда у севгилиси ва ўғлини қутқариш учун ўлимга тик қараган жасур инсон сифатида тасвирланади:

Шу пайт қалин лашкар орасидан кимнингдир қаттиқ овози эшитилди:

— Боланинг отаси мен бўламан! Мана мен, билиб қўйинглар.

Бирдан атрофга жимжитлик чўкди, ҳамма серрайиб қотиб қолди. Ўша жумард ким экан, каштачи жувон сирини айтмасдан қатл этилаётган бир онда ўзини ўлимга ураётган ким экан ўзи?

Оқюлдузни қамчилаб ўртага юзбоши Эрдене кириб келганда ҳамма ўз кўзига ишонмай, оғзи очилиб қолди. Эрдене отининг тизгинини тортиб тўхтатди, кейин у узангига оёғини тираб, от устида тик турди-да, халойиқقا қараб баланд овоз билан деди:

— Ҳа, менман! Ҳа, ўша гўдак менинг ўғлим! Ўғлимнинг оти Ғунон! Ўғлим онасининг исми Дўғуланг! Мен эса юзбоши Эрдене бўламан!

Юзбоши шу сўзларни айтиб отидан сакраб тушди-да, Оқюлдузнинг бўйнига бир шапалоқ урди, от орқага бурилиб чопиб кетди.

Ўзи эса каштачи томонга қараб йўл олди, бораётиб қурол-яроқ ва совут-қалқонини ечиб улоқтириди, Дўғулангни жаллодлар маҳкам ушлаб турадилар. Ҳали гувуллаган халойиқ энди жим бўлиб, ўзини-ўзи ўлимга олиб бораётган йигитга тикилиб қолди. Эрдене севгилиси ёнига бориб тиз чўкди-да, унинг оёқларидан қучоқлади, Дўғуланг эса юзбошининг бошига қўлларини қўйди, улар ўлим олдидан яна топишишди.³³

Асарда келтирилган Эрдене образига чизгилар унинг нақадар жасур бўлганини англатади. Ҳатто энг даҳшатли ҳукмдор хисобланмиш Чингизхоннинг қийноқларга тўла ўлим жазосидан ҳам қўрқмайдиган жасур жангичи образи. Бу образни эскизларда жонлантириш, Эрдененинг дадил ҳамда жасур қиёфасини гавдалантириш лозим эди. Шу сабабдан ҳам эскизларда унинг шу хусусиятига урғу беришга ҳаракат қилинди.

Эрдене учун ҳақиқий азоб бу севгилиси ва фарзандини қутқариб қола олмаганида эди. Асарда Эрдененинг руҳий ҳолати ҳам баён қилинган:

³³ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Кино талқини учун яратилган эскизда Эрдене жангчиларга хос дубулғасимон бош кийимда ҳамда әгнида ҳимоя кийимларида тасвирланган. Найзани камонга тортган ҳолатдаги қиёфасини уни моҳир жанги эканлигига урғу беради. Шу сабабли ҳам у қўшинда юзбоши қилиб тайинланганига эътибор қаратилади.

Эрдене образининг либослари орқали Чингизхон аскарлари либосларининг умумий кўриниши ҳосил қилинади. Бу либосларни отлик ва пиёдаларга бирдек қўллаш мумкин.

Асардаги яна бир бош қаҳрамон образи бу Дўғуланг образи ҳисобланади. У мардлик ва жасурликда севгилиси Эрденедан қўлишмайди. Тўлғоқ вақтида овозини бошқалар эшитмаслигига ҳаракат қиласиди. Асардаги Дўғуланг образи севгиси ва фарзанди учун барча қийинчиликларга чидайдиган матонатли аёллар тимсоли сифатида гавдалантирилади.

Дўғуланг образи тасвирланган эскизда асардаги қўйидаги тасвирлар воситасида яратилди:

— Аёл Эрденега далда бериб бошини ирғади ва қўшиб қўйди: — Энг муҳими — эсон-омон кўзи ёриди. Оғриқсиз, қийноқсиз бўлмайди, албатта. Лекин бир мартавой деб ҳам қўймади-я! Сахарда усти ёпик аравага обориб қўйдим. Ҳаммаси ими-жимида бўлди. Дўғуланг деганинг зўр жувон экан. Бахт қушинг қутлуғ бўлсин! — деди аёл.³⁴

Сенинг Дўғулангингта ҳам хизмат қилдим, хабаринг бор. Энди бутун вужудим билан унга меҳр қўйиб қолдим, менинг наздимда Дўғуланг гўзаллик маъбудасининг қизига ўхшайди. Ҳа, худди шундай! У гўзалликда тенги йўқ. Шундай. Лекин гап бу ҳақда кетмаётир. Мен бу аёлнинг бошқа бир фазилати ҳақида гапирмоқчиман. Унинг қўлида қандайдир мўъжизакор куч бор, аёл зоти борки, ип ишлатади, нималарнидир тикади, лекин каштадўзликда хеч ким Дўғулангнинг олдига туша олмайди. Мен бунинг гувоҳиман.

³⁴ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқбулуги – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

Байроқларга тикилган аждахолар тирикка ўхшайди. Юлдузларнинг расми эса осмондаги юлдузлар каби порлайди. Худо берган санъат.³⁵

Асарда тасвирланганидек, Дўғуланг ўз касбининг моҳир устаси, байроқларга гул тикувчи каштадўз. Дўғуланг образини ўзида акс эттирган эскизларда айнан асарда таърифланган сифатларни гавдалантиришга ҳаракат қилинди.

Эскизда Дўғуланг иш устидаги ҳолатда гавдалантирилди. Байроқларга ўзининг санъати билан кашта ишлаётган ҳолатда. Бундан ташқари эскизда асардаги бир сахнани ифодалашга ҳаракат қилинди.

Дўғуланг исмли байроқдўз ҳар доим бир чеккадаги алоҳида ўтовда яшаган, аёл банд эканлигини пеш қилиб ҳеч ким билан мулоқотда бўлмаган, ўзи бир аравада ёлғиз яшаган, унинг битта хизматкори бўлган экан, холос. Ҳузурига иш билан келганларида каштадўз ипак билан тикиладиган бир тўп газламани белига ўраб ўтиаркан. Одамлар аёл буни чиройли кўриниш учун шундай қилган деб ўйлашган, чунки у гўзаллик шайдоси бўлган экан. Шунинг учун ҳам аёлнинг иккиқатлигини пайқаб бўлмаган.³⁶

Дўғуланг образига ишланган эскизда айнан асардаги мана шу сахна тасвирий жиҳатдан ифодаланди. Дўғуланг Чингизхон яшаган даврга оид кийимларда ишланди. Либосларни тасвирий жиҳатдан гавдалантириш жараёнида тарихий асарлар ҳамда манбаларга таянган ҳолда, миниатюра намуналаридан фойдаланиб либос намуналари тасвирланди. Бу айниқса, Дўғуланг образи учун танланган бош кийимнинг ўзига хос тасвирий ечимида намоён бўлади. Бу даврда Чингизхон бўйсундирган қабилар ва уруғларга мансублик уларнинг либослари, бош кийимлари ва тақинчоқлари орқали ифодаланган. Шу сабабдан ҳам кино талқини учун эскизлар яратиш жараёнида либослардаги ҳар бир деталл алоҳида аҳамиятга эга саналади. Дўгуланг либоси сариқ ранг орқали ишланди.

³⁵ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқбулуги – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

³⁶ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқбулуги – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

3.2. Эскизларнинг композицион ечими

Асарнинг кино талқини учун яратилган эскизларда Чингизхоннинг Гарба томони юриши саҳналари тасвири гавдалантирилган. Биринчи эскизда “Чингизхоннинг оқ булути” да таърифланганидек, Чингизхон ўз лашкарини олға қадамлар, шижаат билан мағриб ерларини эгаллаш учун рухлантириб бошлаб кетмоқда. Ҳудди асарда адид таърифлаганидек:

Ҳар бири ўн минг жангчидан иборат уч туман қўшин байроқларини ҳилпиратиб олдинда бормоқда. Бу қўшинларнинг нақадар даҳшатли куч эканлигини шундан ҳам билса бўладики, от-уловларнинг туёқларидан кўтарилиган чанг-тўзон даштдаги ёнғиндан кейин қўкка ўрлаган тутун янглиғ уфқда олис-олисларгача осмонни қамраб олган эди. Керак бўлиб қолганда миниладиган уюр-уюр йилқилар, юк ортилган аравалар, кундалик сўйишга мўлжалланган сувай чорва молларига бошчилик қилган икки туман қўшин ҳам орқада осмоннинг ярмигача чанг кўтариб келмоқда эди. Ана шу беш тумандан ташқари бошқа жанговар кучлар ҳам бор эди, лекин улар жуда узоқда бўлганидан кўринмас эди – уларгача етиб бориш учун отда бир неча кун чопишга тўғри келар эди. Ўзлари Идилга томон мустақил йўл олаётган қўшинлар ўнг қанот ва сўл қанотларга бўлинган – ҳар бир қанотда уч тумандан қўшин бор эди. Қишки совуқ бошлангунга қадарли барча ўн бир туман қўшиннинг саркардалари Идил дарёси соҳилида Хон ўрдасида учрашиб, олдинга юриш ва Идилдан муз устидан ўтиб, шуҳрати оламга ёйилган бой мамлакатларни босиб олиш режасини тузишлари керак эди. Чингизхоннинг ҳам, саркардаларнинг ҳам, ҳар бир суворийнинг ҳам фикри-зикри шунда эди.³⁷

Асарда таърифланганидек ушбу эскизда Чингизхоннинг чексиз қўшини шаҳдам қадамлар билан олға силжимоқда. Ранглар воситасида

³⁷ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

кўшин тасвири, унинг кўп сонли адоги йўқ лашкарлиги гавдалантирилди. Суворийлар туёғидан чиқсан жанг кўкка бўйлаган. Эскизда байроқлар, найзалар, отлар тасвирини умумий кўринишда тасвирлаш орқали асарда тасвирланган ҳолат очиб берилди. Ҳақиқатдан ҳам кўп сонли лашкар биргаликда ҳаракат қилаётгандек тасаввур уйғонади. Бу тасаввурни ҳосил қилишда бир-бирига контраст бўлган ранглардан фойдаланилган. Чингизхон ўз кўшинини Сариўзак даштларидан олиб ўтиб, Идил дарёси томон бошламоқда. Чингизхоннинг ғарбга томон юриши куз вақтида бўлганлиги сабабли эскизларда шу фасл гавдаланган. Кўшин сариқ тусга кирган дашт ўсимликларини янчиб чанг кўтарганча олдинга силжимоқда. Бу қўшиннинг қанчалик даҳшатли эканлиги, унинг кўп сонлигиги ва қандай куч билан ҳаракатланаётгани мазкур эскизда жонланган.

Кино талқини учун эскизларнинг композицион эчимини излашда умумий пландаги саҳналар орқали адиб тасвирланган ҳолат гавдалантиришга ҳаракат қилинди. Асосан ургу кўшиннинг қудрати ва даҳшат солувчи ифодасига қаратилди. Бунинг учун нисбатан тўқ ва оч рангларни уйғунлаштириш натижасида ҳолат ифодаланди.

Асарнинг кино талқинини ҳисобга олган ҳолда давр муҳитини очиб берувчи предметлар, кийим-кечаклар, қиёфалар яратишга асосий эътибор қаратилди.

Бундан ташқари асардаги энг таъсирли саҳналар билан боғлиқ тарздаги эскизларга асосий ургу берилди. Шундай саҳналардан бири Чингизхон ва дарвеш билан боғлиқ саҳна ҳисобланади. Асарда бу саҳна ўз ифодасини қўйидагича топган:

Ана шу булутнинг пайдо бўлишини қандайдир дарвеш башорат қилган эди. Ўша девонаваш киши хон ҳузурига кирганда тиз чўкиб хушомад ҳам қилмади, унинг баҳт-омадидан пайғамбарлик ҳам қилмади. Олтинга бурканган ўтов ичидаги тахтда савлат тўкиб калласини киброна кўтариб ўтирган ҳайбатли ҳокими мутлақнинг олдида жулдур кийим кийган,

аёлларникига ўхшаш ўсиб кетган соchlари елкасига тушган серсоқол, қорачадан келган савдойи пайдо бўлиб, хонга ўзининг ўткир нигоҳи билан тикилди.

— Буюк хоқон, мен сенга шуни айтмоқчиманки, — деди у уйғур тилмоч орқали, — Тангри таолонинг иродаси билан сенга Арши аълодан айрича нишона ато бўлғусидир. Чингизхон кутилмагандан айтилган бу сўздан бир лаҳза қотиб қолди. Келгиндининг ақли жойида эмас, ёки сўзининг қандай оқибатга олиб келишини тушунмайди.

— Бу қандай нишона экан, буни сен қаёқдан биласан? — қизиқсинди хоқон жаҳлинини босиб, пешонаси тиришган бир ҳолда.

— Қаёқдан маълум эканлигини айтиб бўлмайди, нишонага келганда шуни айтмоқчиманки, — сенинг бошинг устида булут пайдо бўлади ва сенга эргашиб юради.

— Булут?! — Ҳайратини яширмасдан хитоб қилди Чингизхон қошлирини чимириб. Атрофдагиларнинг ҳаммаси хоннинг жаҳли чиқаётганини сезиб жим қолишиди. Тилмоч қўрқанидан лаблари оқариб кетди — у ҳам жазодан четда қолмас эдида.

— Ҳа, булут,— жавоб берди соҳибкаромат. — Бу булут Тангри Таолонинг сенга оқ фотиҳа бергани, сенинг бу дунёдаги даражангнинг буюклигини исботлагани нишонасидир. Лекин сен бу булутни авайлаб-асрашинг даркор, уни йўқотсанг, куч-қудратингдан айриласан...

Олтин ўтовда жимлик чўқди. Бундай пайтда даргазаб хоқон хар нарса қилиши мумкин, лекин унинг кўз-юзларидан ғазаб гулхани ўчиб бораётган оловга ўхшаб секин-аста сўна бошлади. Дунё кезиб юрган дарбадар фолбинни бўлмағур сўzlари учун жазога тортсам, айниқса, қатл қилсан бўлмас, акс ҳолда хонлик шаънига доғ туширган бўламан деб ўйлаб, жағлдан тушди. Чингизхоннинг сийрак сарғиш мўйловларидан маккорона жилмайгани сезилди.

— Хўб, Тангри Таоло бу сўзларни айтишни сенга тайинлади деяйлик. Мен бунга ишондим ҳам дея қолай. Энди менга айтиб берчи, эй доно меҳмон, осмонда ўйнаб юрган булутни мен қандай қилиб авайлаб-асрашим мумкин? Ўша булутни қўриқлаб юриш учун осмони фалакка қанотли отларда навкар жўнатишим керакми? Ё бўлмаса навкарлар оўша булутга юган солиб асов отдай етаклаб юришадими? Қани айтчи, осмонда шамол ҳайдаб юрган булутни мен йўқотмасдан қандай олиб юришим мумкин?

— Бу ёғи сенинг ишинг, мен айтадиганимни айтдим, — қисқача жавоб берди келгинди. Яна ҳамма ранги ўчиб тахта бо‘либ қолди, орага пашша учса эшитиладиган жимлик чўқди, тилмочнинг яна ранги оқариб кетди, олтин ўтовдагиларнинг ҳаммаси ер чизиб қолди, эс-ҳушини йиғиштириб олмаганиданми ёки бошқа сабабданми ҳар ҳолда ҳеч ким ўзини хоннинг қиличига урган шўрлик башоратчининг юзига тик қарай олмади.

— Совғасини бериб жўнатинглар, йўлидан қолмасин, — деди Чингизхон бўғиқ оҳангда ва хоқоннинг сўзлари қуруқчиликдан қақраб ётган тупроққа тушган ёмғир томчилари каби ўтирганларнинг дилига ёқиб тушди.³⁸

Асадаги мана шу саҳнани кино тадҳлқини учун яратилган эскизладра гавдалантиришга ҳаракат қилдик. Катта олтин ўтовда зарҳал қандилларда шамлар нур сочиб турибди. Тўртда Чингизхон ўзининг хос одамлари билан савлат тўкиб ўтирибди. Атрофидা эса гир айлана аёнлар ўрин олган. Ўртадаги зарҳал ипли қизил гиламдаги бўйра устида жулдур кийимли дарвеш бир қўлида ечкини калласини ушлаганча иккинчи қўлинини кўкка кўтарган ҳолатда Чингизхонга Кўк Тангрининг иноятини – оқ булут боши узра нур сочган кун унинг тақдири қулган кун эканлигини башорат қилмоқда. Атрофдаги кишилар юзида қўрқув ва саросима билан Чингизхоннинг қиличига ўзини урган дарвешга қараб туришибди. Аммо у

³⁸ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

дадил ваҳший ҳоқонга оқ булатни асраши кераклигини сўзлаётган саҳнани эскизда тасвирилашга муваффақ бўлинди. Эскизда гир айлана катта олтин ўтовда кўплаб қандиллар ёниб турган ҳолат ишланди. Атрофдаги одамлар асосан ҳарбий либос кийган кишилар. У совут ва дубулғаларда тасвириланди. Тўқ кўк рангли кийимда ҳарбий бош кийимда устига қизил ёпинчиқ ташлаган Чингизхон ғазаб билан дарвеш сўзларини эшитмоқда. Ўтовдаги ҳолатни тасвирилашда асосан тўқ ранглар уйғунлигидан фойдаланилди. Қизил, сариқ, оқ кўк, жигарранг ранглар уйғунлиги мазкур эскизни янада жонлироқ тасвирилашга ёрдам берди.

Асардаги таъсирли саҳналардан бири бу қатл саҳнаси ҳисобланади. Асарнинг кино талқини учун яратилган эскизлардан бу саҳна ҳам ўрин олган.

Дунёни, еру кўкни ларзага солган овозлардан ҳамма ҳушёр тортди, масъулият сезгандай бўлди, юришга, йўлга чиқишига буйруқ берилди. Жаллодлар ҳаш-паш дегунча юзбошини ерга йиқитиши. Бир зумда йигитнинг қўлларини орқасига боғлаб қўйиши. Каштачи аёлни ҳам бойлаб чулғаб иккаласини чўкиб ётган туюнинг икки ёнига келтириши. Ўркачлар орасидан ўтказилган арқоннинг икки учидаги илмоқларни иккаласининг бўйнига солиб, довуллар гумбури остида туюни қамчилай бошлишди. Туя қамчи зарбига чидаёлмай оғзидан кўпик сочганча ўкириб шахт билан ўрнидан турди. Икки ёнида бир-бирини жонидан азиз кўрган икки ошиқ-маъшуқнинг бир арқонга осилиб, жон талвасасида бу дунёдан кўз юмаётганини нор тую жонивор қаёқдан билсин.³⁹

Довуллар гумбирлагандан гумбирлар, икки қапталида бир арқонга осиғлиқ икки ошиқ-маъшуқ — Лайли ва Мажнуннинг жонсиз таналари осилган түя қадам санаб бормоқда эди. Юзбоши билан каштачининг жонсиз

³⁹ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқбулуги – www.ziyouz.com kutubxonasi.

таналари түяning икки ёнида осилган ҳолда сайр қилар эди — бу бўлажак жаҳонгирнинг қонли шоҳсупасига қурбонлик эди.⁴⁰

Навбатдаги эскиз асардаги мазкур саҳнани ўзида тасвирлаган. Куз пати бўлгани сабабли сариқ тусга кирган дашт узра икки ўркачли оқ тортуя чопиб кетмоқда. Унинг ўркачларидағи сиртмоқда икки севишганинг жонсиз танаси осилган ҳолатда силкиниб кетмоқда. Туя оқ чанг қўтарганча лўкилла б чопиб кетаётган ҳолатда тасвирланди.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқини учун яратилган эскизларнинг қолган қисми Чингизхоннинг юришлари ҳамда жанг саҳналарини ўзида акс эттирган. Эпизодлар учун ишланган эскизларда Ғарбга томон юриш жараёнида қўшиннинг шиддат билан ҳаракати, Чингизхон томонидан бу юришдан олдин эгалланган шаҳарларнинг қамал қилиш билан боғлиқ тарихга муҳрланган даҳшатли жанг саҳналари ифодалашга ҳаракат қилинди.

Эскизлар орасида оловли жанг лавҳаси алоҳида ажралиб туради. Душман билан бўлган жангда манжаниклардан аскарларга қарат оловли ўқлар ва махсус ёнувчи хусусиятга эга суюқликлар ағдарилимоқда. Жанг шиддат билан кечмоқда. Осмонга ҳам булатли тўқ қора рангда. Сариқ, қора ва тўқ кўқ рангларнинг уйғун ҳолда қўллаш натижасида шиддатли жанг саҳналари муваффақиятли тарзда ишланди.

Асар учун эскизлар ишлаш жараёнида асарнинг таъсирли, томошабин кўз олдида бир умрга муҳрланиб қолувчи кадрларнинг тасвирий санъат имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда илк тасвирий кўринишлари яратишга муваффақ бўлинди. Бунда асарнинг тарихий аҳамияти ҳисобга олиниб майдава кичик деталлар устида ҳам узоқ изланишлар олиб боришга тўғри чиқди. Зоро, тўғри танланган тасвирий ифода фильм мувафақиятини таъминловчи асосий омиллардан саналади.

⁴⁰ Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com/kutubxonasi.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқини учун эскизлар ишлаш жараёнида, авваломбор, қуидагиларга асосий эътибор қаратилди:

1. Эскизларда асарнинг кино талқини учун асосий қаҳрамонларнинг қиёфасини гавдалантириш. Бунда Чингизхон, Эрдене ва каштадўз Дўғуланг образлари эскизларда жонлантирилди.

2. Қаҳрамонлар образларини яратишида асосан либос, ўша даврга оид кийим-кечаклар, анжомларни тарихийлик нуқтайи назаридан ҳаққоний тасвираш.

3. Асадаги энг таъсирли саҳналар эскизларда гавдалантирилди. Бунда асосан икки саҳнага эътибор қаратилди:

- а) биринчи саҳна дарвешнинг Чингизхон билан бўлган сухбати яъни унга Кўк Тангрини назари тушганини, у оқ булатни асраши кераклиги айтаётган саҳна кино талқини учун яратилган эскизлардан ўрин олди;
- б) иккинчи саҳна Эрдене ва Дўғулангнинг нортуя ўркачига боғлаб қатл қилиниши саҳнасига бағишлиланган эскиз ишланди.

4. Кино талқини учун яратилган эскизларнинг аксарияти умумий кўринишлар ва саҳналарнинг композицион ечимига бағишлиланган. Бу кўринишлар ўз набатида икки мавзуни ўзида бирлаштириши билан алоҳида аҳмият касб этади.

Биринчи мавзу Чингизхоннинг Ғарбга томон юришларини ўзида ифодалаган мавзудаги эскизлар саналади. Бунда асада тасвиранган каби Чингизхоннинг Ғарб томон юришига сон-саноқсиз аскарлар билан йўлга чиқиши ҳолати гавдалантирилган. Иккинчи мавзу эса Чингизхон томонидан эгалланган шаҳарларда кечган шиддатли жангларни тасвирий жиҳатдан гавдалантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқини учун эскизлар ишлаш ҳамда асосий қаҳрамонларининг тасвирий ифодасини яратиш учун жаҳон адабиёти намуналари ҳамда тарихий манбалар асосида изланишлар олиб борилди. Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси В.Яннинг “Чингизхон” асари билан қиёсий тарзда солиширилиб ўрганилди. Ҳар икки асадаги Чингизхон образи таҳлил қилинди.

В.Яннинг “Чингизхон” асарини тарихий манбалар асосида ҳамда муаллиф томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг адабиёт орқали ўқувчига етказиб берилгани билан катта аҳамиятга эга тарихий, бадиий ҳамда илмий хусусиятларни ўзида бирлаштирган роман сифатида эътироф этиш лозим. Роман Чингизхон ҳаётини, унинг юришларини қамраб олган ҳолда баён этилгани билан тарихий персонаж ҳаётини, унинг шахсини тўлиқроқ тасаввур қилиш имкониятини яратади.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари эса аксинча, Сариўзакда кенг тарқалган афсона асосидаги тарихий ҳақиқатларни ўзида мужассам этгани билан катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Илмий тадқиот давомида ҳар иккалар асар ҳам таҳлилий жиҳатдан ёритилди. Ҳар иккала асарнинг ҳам бош қаҳрамони ҳисобланган Чингизхон образига икки ёзувчи томонидан берилган чизгилар, тасвирий ифодаларга асос бўлувчи жиҳатлар ўрганилди. Айниқса, В.Яннинг “Чингизхон” романида Чингизхон ташқи қиёфасини эскизларда ифолашга оид қатор тарихий манбалардан келтирилган фактлар учраши билан муҳим аҳамиятга эга асар ҳисобланади.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари эса асосан Чингизхоннинг ички олами, унинг руҳияти ҳамда кечинмалари билан ўқувчини яқиндан танишириш билан долзарб аҳамиятга эга саналади.

В.Яннинг “Чингизхон” романидаги образдан фарқли ўлароқ Чингиз Айтматовнинг Чингизхон образи керак бўлганда қўшиқ тўкиб хиргойи ҳам қиласди. У ўзининг Кўк Тангри нигоҳи тушган инсон сифатида мағурурланади. Бундан кўриш мумкинки, Чингиз Айтматов томонидан тасвиранган образ бадиий тўқималарга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асари юзасидан кино талқини бўйича эскизлар яратишдан аввал ўзбек киноматорграфиясида тарихий мавзуга бағишлиланган ҳамда тарихий шахсларнинг ҳаёт йўлини ўзида ифодалаган фильмлар ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда фильмлар муваффақияти ҳамда кино рассомларининг қўллаган ўзига хос услублари таҳлилий тарзда тадқиқ этилди. Натижада бой тажриба мактаби сифатида тарихий жанрдаги фильмлардаги образларнинг яратилиш борасидаги изланишлар ҳамда кино рассомининг маҳорати шаклланиш жараёни намоён бўлиши кузатилди. Илмий тадқиқот ишида ўзбек киноматографияси тарихида ўчмас из қолдирган Б. Челли, В.Еремян, В. Синиченко, Э.Калонтаров, С. Зиёмуҳамедов, Н. Раҳимбоев, Б.Назаров, С.Алибеков каби кино рассомлари фаолияти тадқиқ этилиб, улар яратган фильмлар тасвирий эчимиға оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари кинофильм муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланган режиссёр ва рассом ҳамкорлиги масалаларига доир қарашлар ҳам баён этилди.

Кинода режиссёр ва рассом бир-бирини ўзаро тушунган ҳолда фаолият олиб бориши фильм мувафаққиятини таъминлайди. Режиссёр билан бўлган суҳбат жараёнида рассом у гавдалантиришни хоҳлаган образлар ва саҳналарни тушуниб олиши, режиссёр тасаввурини илғаб, уни эскизларда гавдалантира олиши мухим аҳамият касб этади. Ўз навбатида режиссёр ҳам рассомга ўз истакларни тушунтира билиши, фильм ижодий гурухини шакллантиришда айнан асар образларини яққол жонлантира оладиган малака ва маҳоратга эга рассомни танлай олиши фильм мувафаққиятини

таъминлайди. Шу сабабдан ҳам мазкур илмий тадқиқот ишида рассом ва режиссёр тандеми масалаларига алоҳида ўрин берилди.

Кино рассоми фаолиятида фильм қаҳрамонларини тасвирий жиҳатдан гавдалантириш асосий вазифа ҳисобланади. Тарихий фильмлар қаҳрамонларининг эскизларини ишлаш рассомдан катта малака, маҳорат ва билимни талаб этади. Томошабин кўз олдида давр муҳитини ишонарли тарзда тасвирлаш, декорация ва либосларни ҳаққоний яратиш айниқса, катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда кино рассомидан либослар, тарихий атрибулар ҳақида чуқур билимга эга бўлиш талаб қилинади. Бу жараёнда ўзидан олдинги рассомларнинг тажриба ва маҳорати билан танишиб чиқиши катта аҳамиятга эгадир.

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” асарининг кино талқини учун эскизлар яратиш жараёнида асосий қаҳрамонлардан Чингизхон, юзбоши Эрдене ҳамда каштадўз Дўғуланг образларига эскизлар ишланди. Чингизхоннинг қиссада тасвирланганидек, руҳий оламини ифодалашга ҳаракат қилинди. Дўғуланг образини эскизларда жонлантиришда унинг севимли иши ва санъатига бўлган меҳрини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Дўғуланг ўз касбининг устаси бўлган иродали, сабр-бардошли аёл қиёфасида тасвирланди. Юзбоши Эрдене мард, жасур жангчи қиёфасига гавдалантирилди.

Эскизларда умумий саҳналар асосан ҳарбий юриш ҳамда жанг саҳналарига бағишлианди. Шу сабабдан ҳам улар умумий кўринишида тасвирлашга ҳаракат қилинди.

Асардан олинган саҳналар асосида яратилган дарвешнинг башорати ҳамда икки севишганинг туяга осиб олдирилиши саҳналарини эскизларда ифодаланди.

Қаҳрамонлар либослари мазкур даврга оид тарихий костюмларни ўрганиш асосида яратилди.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида” ги Қонуни. 20 июль 2006 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 16 мартағи ПФ-3407-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида”ги 1996 йил 29 апрелдаги ПФ-1427-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартағи “Ўзбеккино” миллий агентлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” ги 126-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги “Ўзбеккино” давлат акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида” ги 247-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июнданги “Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида бадиий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартиби тўғрисида” ги 169-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари.

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. -80 б.
3. Каримов И. А. Буюк мақсад йўлида оғишмайлик. – Т.: Ўзбекистон, 1993.- 46 б.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993. -56 б.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 160 б.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 328 б.
7. Каримов И. А. Янгича фиклаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 380 б.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 686 б.
9. Каримов. И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.– Т.: Ўзбекистон, 1998. 2009. - 429 б.
10. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 220 б.
11. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 32 б.
12. Каримов И. А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
13. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.: Ўзбекистон. 1999.- 410 б.
14. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б.
15. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 112 б.

16. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон. 2001. - 432 б.
17. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.– Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 б.
18. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърий дунё билан ҳамкорлик йўли.– Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
19. Каримов И. А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.
20. Каримов И. А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланиш таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 280 б.

IV. Асосий адабиётлар.

1. Ўзбекистон санъати (1991–2001) – Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.
2. Ян В. Чингизхон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёти, 1966. – 356 б.
3. Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути – www.ziyouz.com kutubxonasi.
4. Мирмуҳсин. Хўжанд қалъаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 455 б.
5. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994.
6. Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1994.
7. Алиев М. Кино асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
8. Абулқосимова Х. Кинотелерадио тарихи ва назарияси. – Т.: 2008.
9. Абул-Касымова Х. Кино и художественная культура Узбекистана. - Т.: 1991. С-34.
10. Ўзбекистон фильмлар каталоги. (1991-1996 й.) – Т.:1999.
11. Абдуллаев Н.У. Ўзбекистон санъати тарихи. - Т.: Уз.ф.м.ж. 2007.

12. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., История искусств Узбекистана. - М.: Искусство, 1965.
13. Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. - Т.: Фан. 1972.

V. Қўшимча адабиётлар.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004. -704 б.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 10-жилд. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. -656 б.
3. Комилов Н.. Тасаввуф. -Т.: Movoraunnahr – O‘zbekiston, 2009.
4. Маҳмудов Т. Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. - Т.: 1988 й.
5. Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъатидан лавҳалар. - Т.: Ўқит. 1997.
6. Такташ Р.Х. Художественно - критическое этюди. - Т.: Фан. 1992.
7. Қўзиев Т. Ўзбекистон замонавий санъати Ўз.Б.А. - Т.: 2004.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Абулқосимова Х. Кино ва тасвирий санъат // Санъат. 1999, 1-сон.
2. Абулқосимова Х. Яна бир бор ўзбек киноси хусусида //Гулистон. 1999, 5-сон.
3. Абулқосимова Х.Келажакка умид билан //Санъат. 1999, 5-сон.
4. Абулқасымова Х. Кино в системе зрелищных искусств Узбекистана // Зрелищные искусства Узбекистана. Сборник. Т., 2008.
5. Абулқасымова Х. Киноискусство Узбекистана нового времени//Зрелищные искусства Узбекистана. Том 2. Т., 2009.

6. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз (2-3-мақолалар) // Шарқ юлдуди. 1989. - № 4; 1991. - № 4.

7. Каримова Чухович Б. Культурный мир молодых художников Узбекистана 80 - 90-х годов. Опыт социологического исследования // Общественное мнение. 1998. №1.

VII. Интернет сайтлари.

1. <http://www.academy.uz> (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси).
2. [http:// www.mcs.uz](http://www.mcs.uz) (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлар вазирлиги).
3. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
4. <http://www.ziyonet.uz> (ZiyoNET – информацион таълим тармоғи).
5. <https://ru.wikipedia.org> (Wikipedia энциклопедия сайти).

Илова













